

Қутлибека
Раҳимбоева

Тўйлар муборак!

Тошкент
«Адолат»
2017

УЎК: 392.5(575.1)

КБК: 66.3(5Ў)3

Р-33

Р-33 **Раҳимбоева, Қутлибека.**

Тўйлар муборак! Публицистик мақолалар. — Тошкент:
«Адолат», 2017. — 80 б.

ISBN 978-9943-4770-8-7

УЎК: 392.5(575.1)

КБК: 66.3(5Ў)3

Ушбу китобда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими,
журналист Қутлибека Раҳимбоеванинг мулоҳазали мақолалари жамланган.

ISBN 978-9943-4770-8-7

© Қ. Раҳимбоева., 2017 й.

© Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги ҳузуридаги
«Адолат» нашриёти, 2017 й.

СЎЗ БОШИ

Тўйни икки ёшнинг бахт оstonаси, деймиз. Бу тантана ҳақида гап кетганида «икки» сўзи кўп бора тилга олинади. Шунга кўра, айрим ҳолларда тўй фақат икки ёшга тегишли шахсий ҳодиса сифатида баҳоланади.

«Тўй қилаётган мен, уларнинг нима иши бор...», «Сочсам ўз пулимни сочибман, бировнинг чўнтагига қўл узатганим йўқ» каби эътирозлар ҳам аслида шу таъриф, шу баҳо билан боғлиқ. Лекин тўйда тумонат одам иштирок этади. Санъаткорлар тўйдан-тўйга танилиб боришади. Анъаналарнинг умрига умр қўшилади. Демак, тўй фақат шахсий эмас, ижтимоий ҳодиса. Унинг ҳар бир қисмида миллат маънавияти, қалби, қиёфаси акс этиши керак. Кейинги пайтларда тўйларимизда тақлид кучайиб, ўзимизга қадрли, юрагимизга яқин бўлган анъаналардан узоқлашиш ҳолати кузатилмоқда. Ўзагидан узоқлаша бошлаган миллатни ичдан емирилаётган тоққа ўхшатиш мумкин...

Лекин биз емирилаётган эмас, тикланаётган, тобора бақувват тортаётган халқмиз. Мазкур китоб муаллифининг фикрларини эса, ана шу жараёни яна ҳам тезлаштириш, фуқароларни, айниқса, ёшларни ўзликка қайтариш йўлидаги муваффақиятли уринишлар, дейишимиз мумкин. Рисола куюнчаклик билан самимий руҳда ёзилгани учун ўқувчига муаллиф ғоялари тез «юқади», деб умид қиламиз. «Тўйларимиз

ҳақида ўйларимиз», деган кўхна бир атаманинг янгича талқинини Сизга тақдим қилар эканмиз, китобдаги мақолалар маҳаллаларда ўтаётган маънавий тадбирларнинг асосий мавзуларидан бири бўлади, деб ният қилдик.

ЯНГИЛИКЛАР НИМАНИ ЯНГИЛАЯПТИ? ЯРАМИЗНИМИ?

Юртимизда тўйлар фасли бошланди. «Яхши ташвишларга етдик, шукр», деб қўямиз. Бу ҳам аслида тўй боис хонадонимизга келаётган сарфу харажат ваҳимасини енгиш учун айтилаётган гап, назаримда.

— Бир бошландими, тўйни тўхтатиб бўлмайди. Тўй билан иморатга худойим қарашади, — ҳам деб қўямиз. Эҳтимол, бу гапда ҳам қандайдир даражада ҳақиқат бордир-ку, лекин нафсиламрини айтганда бу гаплар ҳам: «Тўйнинг сарфу харажати қанча бўлса бўлаверсин! Менинг ёнимда яратган эгамдан тортиб, барча қариндош-уруғларимиз, дўст-ёрларим турибди», деган тасалли, таскиндан куч олиш учун гапирилаётгандай...

Чунки «Тўй» деган «яхши ташвиш»га худди шу таскин-тасаллилар билан темирдан бел боғлаб астойдил киришиб кетамиз.

Бу борадаги ҳар бир янгиликка: «Ҳа, ўзи шундай бўлиши керак экан-да», деб қараймиз.

Ишонмайсизми? Яқиндагина меҳмонхонада савлат тўкиб турган, келинчакнинг сепида борган жавон(стенка)ларнинг ўзи идишлар билан тўлдирилар, ясатилар эди. Энди унинг идишдан ортган жойларига ялтироқ тошчалари бор кичкина тўшама солинадиган бўлибди.

— Бу тўшамга нима вазифани адо этади? — деб сўрасангиз, умри орзу-ҳаваслар ичида ўтадиган аёллар сизга дарров жавоб қилишади:

— Ҳа, энди жавонингизнинг чиройига чирой қўшиб туради-да. Қаранг, тошлари қимматбаҳо, генералнинг пағонидаги юлдуздай ярақлайди...

Тагин бу тошчали тўшамалар айнан тилло рангда бўлиши шарт экан. Бизнинг бозорлардагиларининг ранги оқ-оппоқ эмиш, генералнинг пағонига ўхшаши хориждан келармиш!

Тўй борасида янгиликлар қилишга шу қадар уста бўлиб кетганмизки, ўткир миясини айнан янгилик яратишга бағишлаган кашфиётчилар ҳам бизнинг олдимизда ип эша олмайди.

Масалан, дейсизми? Яқин-яқиндагина келин, куёв сарполарини патнисга тахлаб, чиройли дастурхонга ўраб, жўнатардик. Ҳозир эса, одам бўйи келадиган «сеп сандиқ» деган янгилик киритганмиз. Махсус ясаиб, махсус безатилган бу жимжимадор қутиларнинг бир кунлик ижара ҳақи 100 минг сўмдан 250 минг сўмгача!

Агар шу кетишда кетаверсак, қизнинг сепини олиб бориш учун яқин кунларда мухсус «сеп машина» ихтиро қилсак ҳам ажаб эмас?

«Сават» деган гап, йўғ-ей, янгиликдан хабардордирсиз? «Хабардор бўлмай ўлибманми?» дейишингиз аниқ. Гап шундаки, яқиндагина келинчак пардоз буюмларини нари-бериси икки қарич келадиган сумкачасига солиб олиб борарди.

Куёвболага «сават» деган гапнинг ўзи ҳаётимизда ҳам, луғатимизда ҳам йўқ эди. Ҳозир келинчак учун алоҳида сават ҳозирлаймиз. Ичига солинадиган пардоз буюмларини худди тўй худоси (ибора учун узр, албатта) бир жойда ўтириб рўйхатини тузиб бергандек:

— 20 та совун (Албатта, машҳур фирмаларники), 5 та қимматбаҳо атир, 10 та шампун, икки-уч хил қалам, туш,

Шўйлар муборақ!

яна шунча лаб бўёқ... Тирноққа қўйиладиган лаккача... Соч дазмоли... соч қуритгич...

Куёв бола учун ҳозирланган сават учун ҳам келинчакни-кидан кам харажат сарфланмайди.

Тўйлар оламига бу янгилик шиддат билан кириб келганидан буён, ундан сал аввал ё сал кейин қанчалар янгиликлар кириб келавердики, битта-битта санай десанг, ҳисобдан, санокдан адашиб кетасан.

Вальс... Вальс... учун дарс... Бу аллақачон эскирган янгилик... Келин-куёвлар тўй якунида европаликларга тақлидан бирга вальсга тушиши, бу вальс учун фалон пул тўлаб, машқ залларига қатнашига бугун сўзимиз ҳам, кўзимиз ҳам ўрганиб бўлди. Ҳозир эса, бошқа бир ажойиб янгилик (Бу янгилик ҳам аслида европаликлардан қолган одат) урф бўлган... Йигит билан қиз бир-бирига маъқул келган бўлса, йигит (бадавлат бўлса, албатта) бир неча соатга ресторани ижарага олар экан. Соатига фалон пул тўлаб, мусиқачиларни қатор қилиб қўяр экан-да, ним қоронғу (романтика-да) хонада худди кинолардагидек тиз чўкиб, қизга:

— Менга турмушга чиқишга розимисиз? — дер экан...

Ана муҳаббат изҳор қилишу мана муҳаббат изҳор қилиш!

Қадимда йигитларимиз олма отиб, гул отиб, қўнглини изҳор қилганлар. Энди эса ресторани... мусиқа...

Албатта, бизнинг бошқа пул сарфлашга эҳтиёжимиз йўқ. Ҳамминг тўрт мучаси соппа-соғ. Дори-дармон, муолажа, операция деган хархашаларга заруриятимиз йўқ. Ҳамма касб-корли, ҳамма ўқиган, ҳамминг иши тайин. Ҳамма маошли... Ҳеч ким шартнома пулини тўлайман, деб жон чекаётгани йўқ. Шундай экан, тўйдан бошқа «яхши ташвиши»миз борми?

Янгиликлар яратаверамиз, яратаверамиз.

Кечагина келинчакни янгалар ясантириб қўярди. Бугун эрталаб янгаларнинг ясантириши ҳам урфдан қолди. Дугоналари бу ишни ўз зиммасига олишди. Бугун тушда эса,

дугоналари ҳам бу муҳим ишни уддалай олмай қолди. Энди махсус салонлардаги махсус пардозчилар 200-250 мингдан бошлаб (бу энг арзони) 500-600 ҳатто, 700 минггача бўлган пулни қуртдек санаб олиб келинчакни қўғирчоққа ўхшатиб қўйишадики, уни кеча муҳаббат изҳор қилган куёв ҳам зўрга танийди.

Кеча келинчакни ота уйдан олиб чиқадиган машинанинг зўри «Волга» эди. Бугун «Ласетти», «Мерс»ларга қаноат қилмаймиз. Кўчамизга сифса, сифмаса «Лимузин»га чопамиз...

...Албатта, бу янгиликлар аро эскириб-эскириб бир жойда туриб қолганлари ҳам йўқ эмас. Масалан, баъзи вилоятларимизда «ароқни оқизиб» тўй бериш барибир тўй ўтказиш пойгасидаги асосий қисм ҳисобланади. Баъзи вилоятларимизда эса, «маъзар еди», яъни келиннинг ота-онаси куёвнигига қирқ кунчага аввал уч маҳал, сўнг икки, сўнг бир маҳал таом ташиш расми замонавий маҳсулотлар билан бойитилган ҳолда «қилт» этмай турибди.

Куёвга ижарадан олиб бир зумга бўлса-да, (ёлғон бўлмасин, икки-уч соатга бўлса-да) салла, чопон кийдириш, келинчакка бир оқшомга 500 мингдан 2,3 миллионгача пул тўлаб, иажара кўйлак кийдириш ҳам жойидан силжимаган...
Баъзан:

«Майли, жойида турса, тура қолсин, силжигани қимматига қараб кетяпти», деб қўямиз...

Бир қараганда, ҳаммасига баландлаб бораётган кўнглимиз, орзу-ҳавасларимизнинг инъикоси деб қарашимиз мумкин. «Ахир, биз кечаги юрт, кечаги миллат эмасмиз-ку, орзу-ҳавасларимиз ҳам чиройли бўлиши керак-ку», дейишимиз мумкин...

Майли эди, меҳмонхонамиздаги ўша қўр тўкиб турган жавонда шунчаки ялтираб турадиган тошли тўшама ўрнига бизнинг донишманд бобларимизнинг, момоларимизнинг беназир китоблари ярқираб турса! (Ўзлари ярқирамаса ҳам,

Шўйлар муборақ!

сўзлари ярқирайди-ку) Уларни ҳеч йўқ, келинлик, куёвликнинг минг бир юмушлари орасида бир варақлаб қўйсақ...

Қайсидир бир фикран улғайтирадиган гаплари қўзимиздан кўнглимизга ўтиб қолса...

Ёки пардоз-андоз буюмларининг шу бугун, эртага керагини олсак-у, қолган пулига саломатлигимизни мустаҳкамлаш учун сузиш ҳавзасидами, теннис кортигами борсак...

Муҳаббат изҳор қилиш борасида эса, алоҳида фикримиз бор. Европаликларга тақлид қилишдан аввал: «Наҳот, биз муҳаббат изҳор қилишнинг ўзимизга хос шарқона йўларини ўйлаб топа олмаймиз? Наҳот, кийинишдан тортиб, беш-олти метрли узун машинада кетишгача, келин-куёвга одам бўйли торт тайёрлаб, уни бир-бирининг оғзига тутишгача бировларга тақлид қилсак? Наҳот, ҳамиша, ҳамма нарсаси билан дунёни ҳайратга солган Шарқда — бизда шарқона бир янгиликка қурбимиз етмаса...», дея ўйламасак... Ориятимиз келмаса...

Тогорамизни қучоқлаб, сарпо-суруғимизга ёпишиб, «шу — ўзбекчиликнинг зийнати», деб ўтаверсак...

— Жуда қаттиқ кетдингиз-да, тўй... — дея яна тўйнинг яхшилик эканини айтишга тушиб кетганингизни биламан.

Мен ҳам тўйларни узун бир бахтли умрнинг дебчаси сифатида ҳурмат қиламан. Фақат бу маросимни тўла маънода ақл бошқаришини хоҳлайман, токи кимдир:

— Қанақа эл ўзи бу... Бундай қилиши мумкин бўлганда... бундай қилиб... — дея эътироз билдира олмасин!

— Ҳар бир қадами, ҳар бир иши донишмандона, ўзига ҳўп ярашади-да! — десин...

ТҮЙЛАР МУБОРАК!

Икки киши дастурхон бошига келса: «Топганимиз тўйга буюрсин!» дея дуо қилади.

Меҳмонлар мезбон уйдан чиқаётиб:

— Тўйларга келайлик! — дея тилак билдиришади.

Кимдир кимгадир ҳадя берса:

— Тўйингизда қайтарай! — дейди.

Ҳатто, кичкинтойларга, ўспиринларга:

— Тўйингнинг ошини ейиш насиб қилсин, — деб қўйилади.

Демак, тўй — халқ маънавий ҳаётининг асосий қисми ҳисобланади.

Тўй, айниқса, никоҳ тўйи икки ёшнинг янги ҳаётининг дебочаси. Лекин унинг ҳам ўзига хос таржимаи ҳоли бор.

Совчилик

Биз ниҳоятда анъана ва одатларга бой халқмиз. Баъзан қишлоқ, шаҳарлар қолиб, иккита ёнма-ён қишлоқнинг урф-одатлари орасида ҳам фарқлар бўлади.

Лекин барча шаҳару қишлоқлар учун ҳам умумий одатлар борки, биз бугун бу анъаналарнинг ўртасида туриб фикр билдиришга уринамиз.

Оилада ўғил вояга етгач, она, амма, холаларнинг бир кўзи қизларда бўлади.

— Сочи узун, нозиккина бўлса эди, — дейди биттаси.

— Юзи оппоққина, сўзи юмшоққина бўлса эди, — дейди бошқаси.

— Эпчил, чакқон, ҳам тилида, ҳам қўлида бўлса... — дея орзу қилади ҳаммаси.

Ҳамма оналарнинг орзуси бир-бирига яқин бўлгани билан совчиликка ҳамма боравермайди.

Бир никоҳда қўша қариган, гапга чечан, бировни бировга яхши кўрсатиш қобилиятига эга, кўриниши ҳам чиройли аёллар совчиликка муносиб кўрилади.

Совчи хонимлар баъзи жойларда қизи бор хонадонга ширинлик кўтариб кириб боришади. Агар ширинлигини олиб қолишса, қизининг йигит билан учрашувга розилиги, ширинлигини қайтариб юборса, бу: «Бошқа овора бўлиб эшигимизни қоқиб юрманглар», дегани.

Юртимизнинг айрим жойларида совчиликка қуруқ қўл билан борилади. Бу, бизнингча, у қадар чиройли эмас. Танишми, нотанишми, қариндош бўлиш илинжида эшик қоқилган экан, ҳеч йўқ, 4 та нон кўтариб кирилса, фойдадан холи бўлмайди.

Айниқса, баъзи жойларда совчилар қизи бор хонадонга бесўроқ бостириб киришади. Ўзларича, уларни доғда қолдиришмоқчи бўлишади. Бундай пайтда кўтарилиб кирилган нон... аңқонинг сутидай тансиқ бўлиши мумкин...

«Бир кўришда одамни билиб бўлмайди», дейишади-ю, лекин совчилар бир қарашда қизнинг дид-фаросати (кийинишу соч турмаги, пардозига қараб), муомаласи (саломи, сўрашиши, чой узатишига қараб)ни анча-мунча билиб оладиган одамлар бўлиши керак. Яна совчилар қизнинг онасига:

— Қизингиз ўғлим билан юрар экан.

— Қизингиз ўғлим билан таниш экан, — тарзида гапириб бошини букмаслиги керак.

Агар икки ёш орасида муҳаббат савдолари бўлса ҳам:

— Ўғлим қизингизни ёқтириб қолибди.

— Ўғлимнинг қизингизда кўнгли бор экан... — тарзида чиройли муомала қилиши керак бўлади. Кейинги пайтларда: Ҳаммаси тез ва осон бўлсин, деб баъзи оналар ўғилларини ҳам бошлаб борапти. Лекин йигит кишининг қиз уйига бостириб бориши, қизнинг уйида у билан холи суҳбатлашиши бизнинг халқимизга хос бўлган сирлилиқ пардасига соя ташлайди. Ўзбек ўзбекка ўхшаб тургани яхши...

Оқ ўрар ёки фотиҳа тўйи

Қиз билан йигит бир-бирига ёққач, расмий унаштирув маросими бўлади. Жайхунбўйи тарафларда бу маросим: «Эшик очар» деб аталади. Куёв тараф «Эшик очар» маросимига қўчқор (баъзи жойларда қўчқорнинг шохига тилло зирак, узук, ялтироқ рўмоллар боғлаб ҳам олиб келишадик, бу энди намоёнликдан бошқа нарса эмас).

Кўпчилик «Оқ ўрар»га қиз уйига 2 та, ошиғи билан 4 та аёл билан боради. Кўпинча икки тараф келишиб, «оқ ўрар» ва «фотиҳа» маросимларини қўшиб юборишади.

Ихлос билан ёзилган дастурхон бошида ёши улуғ аёл (у, албатта, бир никоҳли, элу юрт иззатидаги аёл бўлиши керак) жуфт патирни бошига қўйиб синдиради.

— Икки ёш қўша қаришсин, жуфт патирдек эъзозли, керакли бўлсин, ҳаёти ширин ўтсин! — дейишади. Бу воқеага гувоҳ бўлаётганлар ушатишган патирлардан тотиб, қизнинг онасига:

— Куёв муборак:

Йигитнинг онасига:

— Келин муборак! — дейишиб, муборакбод этишади.

Патир, ҳолва, майиз (Улар куёв тарафдан келади) қўни-қўшни, қариндош-уруғларга тарқатиб, қизнинг боши боғлангани маълум қилинади. Шу ўринда икки оғиз сўз: Кейинги даврларда тарқатиш учун майда кулчалар ичига конфетлар солиб ўровлар қилишмоқда.

Келиннинг куёвга, куёвнинг келинга сарполари тобора ҳашаматли сандиқларда, минг хил ўровда тақдим этилмоқда.

Бу — тараққиёт белгиси. Тобора дид-фаросатимиз ўсаётганидан нишона. Ҳаммаси — яхши. Лекин бу нарсаларга қанча эътибор берсак, йигит-қизнинг касб-корли бўлиши оилага тайёргарлигига — руҳий, жисмоний тайёргарлигига ҳам шунча эътибор бериш керак.

Савол-жавоблар:

- Тўйда қандай кийинасиз?
- Менга қандай никоҳ узуги ҳады қиласиз?
- Тўйни қайси ресторанда ўтказасиз?
- Никоҳга нечта машина келади?
- Қайси артистларни айтгансиз?

Бу — тўй олдида йигит-қиз орасида бўладиган савол-жавоблар. Биз тавсия қиладиган савол-жавоблар эса қуйидагича:

- Қандай касбни эгаллагансиз?
- Қандай таомлар пиширишни биласиз? Қандай ширинликларга устасиз?
- Эрни (хотинни) ҳурмат қилиш деганда нимани тушунасиз?
- Келинлик (куёвлик) вазифаларингизни қандай тушунасиз?
- Сиз учун эр (ёки хотин)нинг қариндошлари ким?
- Фарзанд билан боғлиқ орзуларингиз...

Расмий никоҳ

Баъзи жойларда, айниқса, Жайхунбўйи тарафларда расмий никоҳдан ўтиш тўй ичидаги тўйдир. Йигит-қизлар гуруҳ-гуруҳ бўлиб ФХДЁ бўлимига боришади. Расмий никоҳдан сўнг кафе, ресторанларда ўйин-кулги билан расмий никоҳни нишонлашади.

Баъзи жойларимизда эса, ФҲДЁ бўлимидан вакил келиб, никоҳ кечасида кўпчилик гувоҳлигида ёшларни ортиқча чиқимсиз никоҳлаб қўйишади. ЭНГ ТЎҒРИ ЙЎЛ — ШУ.

Кенгаш

Бу маросим баъзи жойларимизда «Маслаҳат оши», баъзи ҳудудларда «Кенгаш» деб юритилади. Бу — маросим одатда куёв йигитнинг уйида ўтказилади. Жайхунбўйида «Кенгаш» тўй ичида тўйга тенг маърака шаклини олади. Эркаклар давра қуриб ўтиришади, зиёфатда еб-ичишади. Бу жараёнда эркаклар — куёвнинг яқинлари эртанги тўй қунидаги хизматларни бўлиб олишади. Ким меҳмон кутишга, ким дастурхонга, ким яна нимагадир жавобгар...

«Кенгаш»га баъзан созанда, раққосалар келишади. Отарчилар кенгаш аҳлининг чўнтагини қоқлайди. «Танганинг икки тарафи» деганларидай, тўй тантанаси билан боғлиқ юмушларнинг бўлиб олиниши яхши, лекин «Кенгаш»даги созу суҳбат, ичкиликбозлик тантанага мутлақо ярашиқсиз иш ҳисобланади.

Тўй келди

Қиз тараф ош беришдан аввал куёв тарафдан тўй келади. Ун-гуруч, мева-чева... Тоғора-тоғора овқат, ошнинг масаллиғи олиб келиниб, қўни-қўшнига меҳмондорчилик қилиб тарқатилади, зиёфат қилинади. Лекин кейинги пайтларда тўйнинг «Тўй келди» қисми қисқариб, қуруғига ўтилди. Олди-бердида фақат пул берилмоқда. Бу ҳар икки тарафни ортиқча оворагарчиликлардан халос этди.

Куёв зиёфати

Юртимизнинг аксарият қишлоқ-шаҳарларида икки ёш никоҳ тантанасига боришдан аввал куёв йигит зиёфатга ке-

Шўйлар муборақ!

линнинг уйига келади. Зиёфат ниҳоясида куёв ёнида келган навкарларга ош ошатади. Куёвнинг қўлидан ош ейишга, «мен ҳам ўсиб-улғайиб куёв бўлай», деб ният қилишга, айниқса, ёш болалар, ўсмирлар ишқибоз. Улар талашиб, тортишиб ош ейишади. Қизнинг хола-аммалари эшикда куёвтўн ва жиғали салла тайёрлаб туриб, йигитга кийдиришади. Йигитлар янгалардан тўп, саллани «сотиб» олишади. Қанча пул бериб «сотиб олиш» куёвжўраларнинг ҳимматига боғлиқ.

Жайхунбўйи тарафларда яқин-яқинларгача бир одат бор эди. Йигитлар қиз уйига зиёфатга бормайди. Балки, отда қиз уйига яқин кўприкда уни кутиб туради. Кутиб олгач, то ўз уйигача куёвжўралари билан чиройли безатилган отларда келинни кузатиб келишади. Бу чиройли одат тикланса, ёмон бўлмасди...

Чироқ ўчмасин

Келин отасидан фотиҳа олиб, янга билан ўзига аталган машинага ўтиради. Жайхунбўйи тарафларда янганинг қўлига ёнган чироқ тутишади. Бу, бизнингча, оташпарастилик ақидалари билан боғлиқ. Лекин янганинг чироқ билан куёв уйига боришида бирорта ёмонлик аломати йўқ. Ёруғлик ҳар қандай ҳолда яхшилик аломати.

Йўл тўсиш

Бу ҳам қадим одатларимиздан бири. Келин куёвникига кетаётганда хода, арқон билан йўл тўсилади. Авваллари янгалар тугунчасидан чорси, дўппи, рўмолча ё озгина егулик насиба берса, «йўл тўсарлар» йўлни очишган. Лекин кейинги пайтларда йўлтўсарликни бизнесга айлантирувчилар бор. Мен одамда ўкинч уйғотадиган бир мисолни айтай: йўлтўсарлар йўлакни тўсиб, янгадан 100 минг сўм талаб қилади.

Янга:

— Сал инсоф қилинг, 50 минг бера қолайлик! — деса, йўлтўсарлар келиннинг туфлисини ўғирлаб қочади...

Янга ҳаммадан пул йиғиб, зўрға 50 минг топиб, туфлини қайтариб олади.

Йўлни юк машинаси билан тўсган бу тарздаги йўлтўсарлик фирт қароқчилик...

Ниҳоят, тўй...

Оппоқ либосдаги келин жуфти билан тантаналар саройига кириб келади. «Ёр-ёр» карнай-сурнайлар навосига уланади. Келин қайнбўйинларига эгилиб салом қилади.

Тўйни кўпни кўрган оила ҳақида сўз айтишга маънавий ҳуқуқи бор оқсоқол очиб беради.

Тўй — ёшларники, деймиз. Лекин тўй — дискотека эмас. Унда барибир бахтли бўлишнинг сабоқлари, сир-синоатлари ҳақидаги фикрлар янграши шарт. Зеро, яхши кунларнинг яхши дуолари ижобат бўлажак!

СОВЧИЛИККА КИМНИКИГА БОРЯПСИЗ?

Оилада йигит киши балоғатга етиб қолган бўлса, хонадон эгалари уй, тўй имкониятларини чамалаб кўргач, совчилик ҳақида гап очишади. Ҳамма бир-бирини яхши танийдиган кичкина қишлоқларда бу борада муаммо йўқ, ҳисоби. Аҳоли кўпроқ яшайдиган шаҳар, шаҳарча, туман марказлари, катта шаҳарларда, албатта:

— Ўғлимизга муносиб қиз қайси оилада бор экан? Кимникига совчиликка борсак экан? — деган савол кўндаланг бўлади.

Муҳаббат фаслига киргач, кимнидир кўз остига олиб қўйган йигитлар бу борада ортиқча ташвиш чекишмайди. «Фалончаникига боринглар», деб манзил бериб қўя қолади. Тақдирини ота-она ихтиёрига топширган ёшлар-чи? «Шуям муаммо бўптими? Дарахтни силкитсанг, қиз ёғилади», деманг. Агар совчиликка бориш, келин танлаш оддийгина иш бўлганида айни кунларда оилавий ажралишлар, оилавий ажралишлар туфайли тирик етимлик жабрини тортаётганларнинг муаммолари жамиятни бу қадар безовта қилмасди. Демак, гапиришадиган, кенгашадиган гап бор.

Эски удумларнинг ҳаммаси эскирганми?

Бир пайтлар элимизда «бешиккертти», «қулоқ тишлатди» деган удумлар бўлган. Қачонлардир оилаларимизда сақланиб келаётган урф-одатларга ёппасига «хужум» бошлаганимизда

«бешиккертти», «қулоқ тишлади»лар ҳам қувғинга учраганини инкор эта олмаймиз. Қайси оилада шу одат сақланган бўлса, уларни фарзандларининг эркига, бахтига тўғаноқ бўлаётган «золим», «қолоқ» одамлар қаторига қўшдик. Келинг, шу масалага очиқроқ кўз билан қарайлик. Бир-бирига тасодифий одамлар «қулоқ тишлатди», «бешиккертти» қилинмайди. Ота-бобо қадрдон бўлиб келаётган, бир-бирига дўсту ёрлиги бор ёки қариндошлар орасида бўлади бу воқеа. Сиз эътирозга шайланмасингиздан бир фикрни айтиб олай: биз яқин қариндошлар орасидаги бундай «битим»ни ёқламаймиз, албатта. Бунинг сабабини ҳамма яхши билади. Лекин дўсту қадрдонлар орасида туғилган бундай расмий битимда бир қанча яхшиликлар кўрамиз:

Биринчидан, икки қадрдон оила орасидаги ришта узилмайди, дўстлик аталмиш ажойиб туйғу фарзандлар тақдирида давом этади.

Иккинчидан, қиз қандай оилага келин бўлаётганини, ўзини нималарга тайёрлаши кераклигини ўсмирлигидаёқ билади ва бутун кучини шунга қаратади. (Бу тайёргарлик йигитга ҳам тегишли)

Учинчидан, қиз ҳам, йигит ҳам ўткинчи ҳо-ю ҳаваслардан сақланади. Чунки эгаси борлигини билади.

«Бешиккертти» ва «қулоқ тишлатди»га «хужум» бошлаганида бир гап тез-тез тақрорланар эди.

— Улар балоғатга етгач, бошқа одамни севиб қолса нима бўлади?

Бундай ҳолларга ҳам фожеа деб қарамаслик керак. Чунки булар удум, фотиҳа ёки никоҳ эмас. Шароит тақозо этса, удумларни ўзгартириш мумкин.

«Тагли-зотли қиз топинг»

Кейинги пайтларда баъзи йигитларимиз учун уйланиш тирикчиликнинг битта манбаига айланиб бораётгани сир эмас.

Шўйлар муборақ!

Хунарни бўлиш яхши яшашнинг бир имкони, ўқиш, маълумот эгаллаш яна бир йўли бўлса, бадавлат хонадоннинг қизига уйланишни бугун гувоҳ бўлаётганимиз воқеаларга қараб, бемалол учинчи ва асосий йўл сифатида саноқларга киритишимиз мумкин. Албатта, қиз узатган ота-она фарзандининг тиниб-тинчиб кетишини истайди. «Етса, молим, етмаса жоним», дейди. Иложи бўлсаёқ ташийверади.

Хўш, берса ўзининг фарзанди учун беради, Сизга нима, деяпсизми? Бизга малол келадиган жиҳати шуки, айнан шу нарса, яъни хотинининг орқасидан машина миниш, кўркем кийиниш, яхши еб-ичиш йигитларимизга энг керак бўлган фазилат — ор-номус, мардлик кабиларни бўронлар емирган қоядек емириб боряпти. Эркаклардан ор-номус кўтарилган жойда ахлоқий таназзулга йўл очилади. Яқинда бир воқеа эшитдим: ўзига тўқ хонадоннинг қизига уйланиб, «Лассети» миниб юрган йигит яна бир бадавлат хонадоннинг қизини орзулаб қолибди. Қиз ҳам йигитни бойвачча (ўзи бир ўрта ҳолдан юқорироқ оиланинг ўғлига унаштирилган экан) деб ўйлаб, унга бойроқ кўриниш учун унашилган йигит тарафидан келган кийимларни бир-бир кийиб учрашувга чиқаверади. Бу учрашувлар икковининг гуноҳи билан яқунланади ва хотини, бир нафар фарзанди бор йигит бировга унашилган қизга уйланишига, уни норасмий хотинликка олишга мажбур бўлади. Йигит бу қизнинг бировга унаштирилганини билса ҳам, унинг ялтироқ кийимларига учиб, шу гуноҳни қилади. Қиз ҳам йигитнинг ўз хотини орқасидан қариллаб юрганини билмай, ўз навбатида уям катта хатога йўл қўяди. Мана, Сизга бадавлат хотинга интилиш орқасидан юзага келган ахлоқсизликнинг битта кўриниши.

Ота-оналар ҳам «тагли-зотли» хонадонга совчиликка боришдан аввал нима топиб, топгани эвазига нима йўқотаётганини билиб қўйсалар ёмон бўлмайди.

Бу билан мен:

— Ўзига тўқ хонадоннинг қизларини келин қилиш керакмас, деган фикрдан йироқман. Бу оилаларда ҳам жуда тарбияли, санамраста қизлар вояга етади. Гап фақат йигитларнинг ор-номус, ҳамиятни бойликка алмаштириши ҳақида боряпти. Ўйлайманки, сиз менинг фикримни тушундингиз...

Тасодифий совчилик

Оила қуриш борасида муаммо келтириб чиқараётган сабаблардан яна бири бу тасодифийлик. Келинг, фикримизни мисол билан давом эттирайлик.

— Ўзим инжиқ, қиз танлашда ўғлим мендан ҳам инжиқ чиқди. Ишонасизларми, нақ қирқтача қиз билан учрашувга чиқди, — дея ҳикоя қилади Н. исми аёл: — Биттасининг кўзи қисик экан, дейди. Яна бошқасининг оёғига гап топади. Учинчи қизни овқат пайтида (кафега киришганда) сочига қўлини теккизиб, қўлини артмади, дейди. Ҳар бир учрашув ўзи бўлмади, албатта. Кафега олиб киради, камида 100, 200 минг харажат қилади. Ахийри, тоқатим тоқ бўлиб кетди:

— Қайси қизнинг пешонасида ой, юлдузи бор экан? Ҳамма қиз битта қиз-да, биттасини танла, — деб туриб олдим. Танлагандек бўлди. Тўй қилдик. Лекин икки-уч кундаёқ келиндан кўнглим қолди. Чунки ниҳоятда дангаса экан. Кун бўйи уйғотмасангиз, кечгача ухлайверади. Идиш-товоқни тахлаб қўйиб, телевизор кўриб ўтираверади.

— Болам, ювиб қўя қолмайсизми? — десам:

— Сериалимни кўриб олай, юваман-да, идиш-товоқ бақирармиди? — дейди. Ниҳоятда беғам. Неча марталаб ўғлим:

— Ишга киядиган кийимимни кечқурун тайёрлаб қўй, — деб тайинлайди. Йўқ, ўғлим ишга кетишига беш минут қолганида қўлига дазмол олади. Жавобини бердириб юборай десам, бўйида бор. Боланинг уволидан қўрқяпман...

Бошқа бир қиз узатган Г. исми аёл:

— Қизимга совчи кутавериб безор бўлдим. Ҳар ҳафтада столни янгилаш керак. Қизимга сеп қилайми, стол тузайми, — дедим-да, охири келган биттасини ортиқча суриштирмай, бериб юбордим. Пешонамизнинг шўрига, кўёвнинг тутқаноқ касали бор экан. Касали хуруж қилганида қизим бояқиш қўрқиб, ҳомиласидан айрилди... Бемор экан, деб ажратиб олиш худога хуш келадими, йўқми, билмайман...

Обдон синашган

Ҳозир оилавий ажралишларнинг оз эмаслиги сабабини яна бир нарсада кўраман. Совчиликка бориб, фотиҳа қилинган, 15-20 кунда тўй бўлиб кетяпти.

— Савоб ишни чўзиб бўлмайди, — дейишади.

Лекин мен эслайман: ўсмирлигимизда қизлар бир йиллаб унаштириб қўйиларди. Балки, доно бобо, момоларимиз бунча кўп вақтни синов муддати қилиб, белгилашгандир. Йигит-қиз бир-бирини қабул қила оладими? Мосми бир-бирига? Оилалар-чи?

Мен кетма-кет фикрларни ўртага ташлаяпман-ку, Сизга бир гапни таъкидламоқчиман. Бу — менинг фикрларим, Сиз эса энди фикрлай бошладингиз. Балки, қўшиларсиз, балки, бошқа таклифингиз бордир?

ДИЖЖЕЙЛАР ТҶҲОНАЛАРНИ ЗАБТ ЭТА ОЛАДИМИ?

Дижжей — замон тўлқинларида юзага чиққан энг «модний» атамалардан бири. Айтиш мумкинки, бу атама маъноси кўпроқ ёшларга тегишли. Катта-кичик давраларда тадбирларнинг мусиқий, бадиий қисмини бошқарадиган бошловчи «дижжей» дейилади.

Тўғриси, бу атамани эшитганимда сочи елкасигача тушган, қаншарига кўзойнак қўйган, бутун вужуди олдидаги мусиқа марказининг керакли жойига қўйилиб, олинаётган дискларга қўшилиб яшаётган йигит келарди. Яқинда бир танишимиз дижжейларни ихтирочи сифатида тақдим қилди.

— Тўйларда кетма-кет санъаткорлар келишига ўрганиб қолган эканмиз. Назаримизда, уларсиз тўйхона ғариб бўлиб қоладигандек эди. Бир тўйда иштирок этишга тўғри келди. Ишонасизми, битта дижжей йигитчанинг ўзи тўйхонани гуллатди. Гулсанам дейсизми, Озодбекми, Алишер Файзми — бирорта одамларнинг севимли санъаткори қолмади. Йигитча кетма-кет дискларни қўйиб бериб турди. Ёшлар тоза ирғишлашди. Тўй эгаси ҳам ортиқча харажатдан қутилди, тўй ҳам рисоладагидек ўтди...

Мен аввал танишим айтган янгиликни техника асрининг янгиликликларидан бири сифатида қабул қилдим. Бу янгиликка жамоатчилик қандай қарар экан?

Тўйлар муборақ!

Асрор Кабиров — ҳайдовчи: рости, ўзим фарзандимга тўй қилсам, ўша дижжейни таклиф қилсаммикин деб турибман. Чунки тўйга таклиф этилган барча санъаткорлар, деярли, қўшиқларини фонограммада ижро этишади. Шундай бўлгач, улар тўйхонага келди нима-ю, овозларини дискдан эшитдик нима? Менимча, бу икки ҳолатнинг орасида кўп ҳам фарқ бўлмаса керак. Фақат битта фикр: тўйхоналарга ўрнатилган катта экранларда ўша сеvimли санъаткорларимизнинг сувратлари ҳам кўриниб турса, ана унда тўйнинг муסיқий қисми бекаму кўст бўларди.

Дилбархон — архитектор: — Тўғри, техника имкониятлари ҳаётимизнинг барча жабҳаларига шиддат билан кириб келмоқда. Бу шиддатни энди секинлаштириб бўлмайди. Лекин мен ҳар қандай муаммал техника санъаткорнинг, тирик санъаткорнинг ўрнини боса олишига ишонмайман. Санъаткор кийиниши, саҳнада туриши, боринги, ўша фонограммадаги ижроси билан ҳам тўйхонага файз беради. Агар кейинги пайтларда фонограмма, овоз кучайтиргичлар ҳақидаги мутахассислар фикрига эътибор қилаётган бўлсангиз, булар инсон саломатлигига салбий таъсир қилувчи воситалар сифатида баҳоланмоқда. Шундай экан, дижжейлар ўзига сеvimли давраларда «қаҳрамон» бўлиб юравергани маъқул.

Дилдора Маткаримова — маҳалла маслаҳатчиси: — Бу мавзуда ортиқча баҳсга ўрин йўқ, деб ўйлайман. Ҳар қандай янгилик бирор эҳтиёждан туғилади. Баъзи тўйларда санъаткорлар ўрнини дижжейлар эгаллаган экан, демак, тўй бераётган хонадонларнинг ўша дижжейларга эҳтиёжи бор. Биз яна шундай истакдаги хонадонларга: — Ҳар нарсанинг аслияти яхши, фонограммалар шовқинидан қулоқларимиз қоматга келиб юрган эдик. Сал-пал бўлса-да, санъаткорларнинг кийим-кийиши-ю туриш-турмушига қараб шовқиндан чалғирдик. Санъаткорларсиз тўй жуда файзсиз бўлади, — дея олмаймиз.

Лекин аслида кўнглимдан шу гап ўтиб турибди. Халқимиз ҳар доим тўйларига санъаткорларни ҳурмат-эътибор билан таклиф этганлар. Кўп йиллик анъаналарга дахл қилиш яхши эмас. Ҳар ҳолда, мен шундай деб ўйлайман.

Илмиддин — (фамилиясини айтишни хоҳламади, ўзини «санъаткорларга продюссерлик ҳам қилиб тураман, аслида тадбиркорлигим бошқа йўналишда», дея таништирди): — Ҳар бир нарса ҳақида гапирганда икки тарафини ўйлаш керак. Хўш, тўйлардаги санъаткорлар ўрнини бутунлай дижжейлар эгаллади, дейлик. Унда санъаткорларга ким имконият, ким илҳом беради? Ахир, улар тўйларда халқнинг имтиҳонидан ўтади. Ҳар куни ҳам санъаткорларда саҳнага чиқиш имконияти бўлавермайди. Бу жиҳатдан олиб қараганда ҳам тўйлар улар учун катта имконият. Одамларда: — Тўйга санъаткорлар фақат пул учун боради. Бориб, оғзини қимирлатиб турса, бас, — деган нотўғри тушунча бор. Санъаткорлар тўйларга халқ билан юзма-юз келиш учун, ўз санъати таъсирларини одамлар юз-кўзларида кўриш, шу жараёндан куч олиш учун ҳам келади.

Қизларнинг дасхат беринг, дея дафтарча кўтариб келишлари ҳам, мен билан бирга сувратга тушинг, дея илтимос қилишлари ҳам санъаткорни яна ва яна халқ учун ижод қилишига ундайди. Демак, минг-минглаб санъаткорлар учун ижод, илҳом манбаи бўлган тўй саҳнасини дижжейга топшириб қўйиш у қадар тўғри бўлмайди.

Мулоҳазалардан кейинги мулоҳазалар

Ўқиганингиз фикрлардан кейин дижжей ва тўй масаласида ортиқча изоҳга ўрин йўқдек. Эҳтимол, айнан шу масалада баҳсни шу нуқтада тўхтатиш мумкиндир, лекин тўйлар ҳақида айтадиган фикрларимиз йўқ эмас.

Кейинги пайтларда дижжейлар эмас, санъаткорлар олиб бораётган тўйларда ҳам танаффус йўқ. Ўртакашлар бирор-

Шўйлар муборақ!

та «бирровчи» қолиб кетиб, ранжимаслиги учун мусиқани мусиқага улайди. Ахир, тўйнинг ҳам ўзига яраша ҳурмат-иззати бор. Ёши улуғлар дуолар билан тантаналарни очиб беради. Мусиқалар ораси ҳам табриклар, тилаклар билан зийнатланади. Лекин бугун тобора бу анъаналардан узоқлашиб кетяпмиз. Ўртакашлар шу қадар шошиладики, ҳатто, битта-яримтага табрик сўзи беришса ҳам, сўзловчи ўрнига ўзи гапириб қўя қолади: — Бу синглимиз дугонаси билан унинг турмуш ўртоғига бахт тилаймиз. Янаги йил шу кунларда бувижонлари «Алла, болам» айтиб, бешик тўйи олиб боришсин деяпти, — дейди, қўяди...

Балки, бу хилдаги тўйларда танаффуссиз мусиқаларнинг вужудга келишида, тўй марказининг дискотекага айланиб кетишида айб фақат санъаткорлар ёки дижжейларда эмасдир. Гап сўзловчи сўзлаётган тилакнинг сийқаси чиқиб кетганида, сўз ширасининг йўқолганидадир.

Ахир, тўй бераётган хонадон ҳам, тўй қилаётган ёшлар ҳам, ҳар сафар ўзга кишилар бўлади-ку. Уларнинг касби ҳар хил, исми, ёши, тарбия олган хонадон... Наҳот, ўртакаш ҳар бир сўзловчининг ўзига хос, ўзига мос таъриф топа олмайди. Бир пайтлар ёшлар орасида:

Қизил гуллар тераман
 Ҳиди келиб турсин, деб
 Дўстга табрик айтаман,
 Бахтли бўлиб юрсин, деб...

тарзидаги табриклар расм бўлган эди. Кейинчалик никоҳ оқшомида ёшларга: «Булутдек тиниқ, тоғлардек баланд, юлдузлардай кўп бахт тилаш» одат бўлди. Ҳар гал тилаклар ҳақида, табриклар ҳақида ўйлар эканман: ахир, ҳар бир одам алоҳида ҳодиса, унинг тўйи ҳам бир марта бўлади. Наҳот, шундай бетакрор кунда никоҳланувчи ёшларга аталган, уларнинг ўзига ярашадиган сўзларимиз бўлмаса? Бу — тўй ҳақидаги фикрларимизнинг яна бир жиҳати.

Яна бир ҳақиқат борки, тўй яқин қадрдонлар, дўст-ёронларнинг дийдорлашув оқшоми. Одамларнинг юмуши кўп замонларда яқин қариндошлар ҳам ҳадеб учрашиб, гапиришавермайди. Соғинганларинг билан кўришиб, гапиришсанг, соғинчинг тўкилади, туйғуларинг янгиланади. Баланд мусиқа қўйган, кучайтиргичлар фонограммани яна ҳам баландлатиб бераётган бу шароитда фақатгина сўзсиз дийдорлашув бўлиши мумкин. Яна ҳам аниқроқ айтсак, гумбур-гумбур мусиқа садолари остида фақатгина бир-бировга кўз билангина термулиш мумкин. Ҳар ҳолда, мулоҳазамазининг ҳаммасида тўй билан боғлиқ ўйлаб кўрса бўладиган фикрлар бор, деб ўйлаймиз.

Асосий мавзу «дижжейлар» бўлгани учун яна шу атамага қайтамиз. Агар санъаткорларнинг ўрнини дижжейлар эгалласа, «Ҳар бир инсон қилаётган ишининг бир қисмига айланади», деган ҳақиқатнинг амалдаги ифодасини кўраимиз. Дижжейлар техника, дисклар билан ишлагани учун санъатни шу кўз ўнгидаги мусиқий марказ ва дисклар деб тушунади. Жонли овоз руҳиятидан, хоҳласа, хоҳламаса, узоқлаша боради ва худди шу кайфият тўй аҳлига ҳам ўта бошлайди. Санъаткорлар, юқорида продюссернинг фикрида айтилганидек, фақат ўзларини эмас, тўйхона аҳлининг ҳам туйғуларини янгилаб туради. Ахир, сеvimли санъаткоридан сеvimли ашуласини эшитганида (гарчи, у фонограмма бўлсада) ирғиб ўрндан туриб, қадим фарғоначасига тўнини ерга ташлаб рақсга тушган эр йигитларни кўрганман. Томошабин, мухлисдаги бу завқни қайси мусиқий марказ, ҳеч қайси диск уйғота олмайди. Демак, санъаткорнинг тўйдаги иштироки фақат ўзи учун эмас, тўй иштирокчилари учун ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Эҳтимол, фикрларимни ўқийётган мухлислар:

— Опа, кейинги пайтлардаги янгиликларнинг ҳаммаси тўй эгасининг чўнтагига юк бўлиб тушаётган эди. Хонадонни

ясатиш, тўйхонани ясатиш, келин-куёв учун алоҳида кўшк тузаш...

Шу биттагина янгилик харажатимизни камайтираётган эди. У ҳам бўлса, санъаткор ўрнига дижжей келгани...

Сиз шу янгиликни ҳам ёқламагандайсиз, — дея менга эътироз билдиришлари мумкин.

Мен шундай фикрдаги мухлисларга бу мавзудаги сўнги сўзимни айтмоқчиман:

Мен ёки сиз хоҳлаймизми, хоҳламаймизми давр учун дижжей бошқарадиган тўй эҳтиёжга айланса, у таомилга кириб келади. Ҳеч ким эшик ёки деразани ёпиб, уни тўхтатиб қола олмайди. Лекин эҳтиёжга айланмаган янгилик тез эскиради. Мен шундай ўйлайман, сиз-чи?

ЭСКИРГАН ҚЎШИҚ

Бир пайтлар ўсмир болалар хиргойи қилиб юрадиган қўшиқ бўларди:

Тўлин ойдаи келинойи,

Қарашлари мулойим...

Дарҳақиқат, келинчаклик аёл кишининг ҳаётидаги ўзгача бир фасл. «Келинчак» деганимизда тасаввуримизда оппоқ кўйлақда, худди баҳорнинг бодом гулисимон бир тоза қиёфадаги хилқат жонланади. У ҳали ҳеч қачон кириб кўрмаган, ҳатто, хаёлига келтирса ҳам қизариб кетадиган, манглайига реза-реза тер қалқийдиган ўзгача бир оламга кирмоқчи... Шунинг учун унинг исми ҳозир, ҳа, айнан ҳозир «ҳаё», «ибо» сифатларига эгиз...

Сиз бу фикрларимни ўқиб:

— Ҳой, хаёлпарастмисиз? Қайси асрда яшаяпсиз? Сизнинг тасаввурларингизга соя тушиб, туман тушиб, туманланиб кетганига анча бўлди, деяпсизми?

Эҳтимол, шундайдир. Лекин мен халқим, миллатимнинг энг гўзал қадриятларини қадрлаган, ҳурмат қилган инсон сифатида шу тасаввурни севгим, унга ишонгим келаверади.

Шу тасаввурни лойқалаштираётган қизлар шунчаки тақлид, ишқибозлик қилишмаётганини, балки, йиллар давомида халқимиз сайқаллаган, ардоқлаган қадриятларга оёқ қўяётганини билмасмикан?

Мен хоҳлаган мебелни оласиз...

Бир пайтлар худди шу мавзуда гап қўзғалганида жаннатмакон устозимиз Зулфияхоним бир гап айтиб қолган эдилар.

— Қанақа қилиб қиз бола отаси ё акасига: «Менга мана бундай ётоқ мебелли олиб беринг», дейди? Қайси юзи билан айтади бу гапни? Ахир, ётоқ мебелли деган гапни эшитганда отанинг кўз олдига қандай манзара келади? Фаросатли қиз бунини ўйламайдими, деб қуюнган эдилар.

Бугун-чи? Қизларимиз ётоқ мебель, умуман, сепи учун қилинадиган барча мебеллар учун отаси билан дўконма-дўкон етаклашиб юради. Яқинда танишларимиздан бири қиз узатди. Қиз эндигина коллежни тугатган. Бир жойда ишлаб, йиғирмага киритиб қўйган ота-онасига бир сўм пул келтириб бергани йўқ. Лекин унашилганиданоқ ота-онасига:

— Мен хоҳлагандай мебель олиб берасиз! Бўлмаса, тўй бўлмайди! — деган қарорини эълон қилибди. Бу қанақа юзсизлик? Ота-она бечора қулоғигача қарзга ботиб, қизи хоҳлагандек рангли, шаклли мебель, у хоҳлагандек гиламу пардаларни олишибди. Қизнинг холаси:

— Онангга раҳминг келмайдими? Бир бурда бўлиб қолдику, йиқилиб қолса, нима қиласан? — деса:

— Мени дунёга келтирдиларми, энди хоҳлаганимдай қилиб узатсинлар. Йиқиладими, турадими — менинг ишим йўқ, — дебди. Ана, сизга қиз ўстирганнинг мукофоти.

Лоф эмас, нақ бир миллионга куёвга, ўзига, пардоз-андоз буюмлари олдирибди. «Бели оғримаганинг нон ейишини кўр!» деб шунга айтсалар керак-да! Бу можаролар ҳали ҳолва. Қиз ҳали уйдан чиқмай, бурнидан тортса, йиқилгудай бўлиб турган дадасига:

— Ада, туғилган кунимга стол-стул, куёвингизнинг туғилган кунига микротўлқинли печ, ҳайитга кир ювадиган машина қиласиз! — дебди ва «Тағин эсингиздан чиқиб

қолмасин», деб бир вараққа ёзиб ҳам берибди... Андишасизлик ҳар қандай одамни, айниқса, қиз бола, келинчакни одамлар кўзи олдида бир неча бор пасайтириб юборадиган хусусият. Наҳот, ўзбеклар орасида йигирма йил яшаган, ўсган қиз шу қадар андишасизлик қилса? Ё биз буни одатий ҳол сифатида қабул қиляпмизми? Заррача хижолат бўлмаяпмизми шу қиз бизники, бизга тегишли эканидан?

Вальс... Муҳаббат тарихи ва гулдаста...

Ҳозирги пайтда, ҳа, айна тўй мавсумида юқоридаги тушунчаларга изоҳ беришга ҳожат йўқ. Лекин барибир айтмасанг, ёзмасанг, тилинг қуяверади. Яқинда севимли санъаткоримиз, ажойиб суҳандон Шухрат Қаюмов телекўрсатувда бир воқеани ниҳоятда хижолатпазлик билан гапирдилар:

— Келин ярим яланғоч, кўйлагининг орқа тарафи белидан тепасида бир ип ҳам йўқ. Келинчагимиз шу аҳволда аввал куёв йигит, сўнг ўзининг отаси, сўнг қайнотаси билан вальсга тушди. Кўзимни қаерга қўйишни билмадим. 500 кишилик тўйхонадаги эркалар ана шу ҳолатни томоша қилишди, — деди суҳандон.

Наҳот, қизларимизнинг танаси қўллардан, номаҳрам қўллардан сесканмайдиган бўлиб қолди? Биз ғурурланиб, фахрланиб юрадиган ҳаё пардасининг бир четидан сўкила бошлагани эмасми бу? Наҳот, шундай бебаҳо фазилатимиз бир чеккадан кета бошласа-ю, бонг урмасак? Қизларимизга:

— Тўхтанглар! Биз яхши тарафга кетмаяпмиз! — демасак!

Тўй охираганда яна бир томоша содир бўлмоқда. Келинчак гулдасталардан бирини орқасига қараб турган кўйи дугоналари тарафга отади. Қизлар асалга юрган пашшалардек (ўхшатиш, учун узр) гулдастага ёпиради. Бир-бирини итариб, туртиб, гулдастани олишга уринишади.

Бу Европанинг одати эканини ҳаммамиз яхши биламиз. Майли, бировларни муҳокама қилмаймиз. Ҳар ким ўзи учун жавоб беради.

Нега бизнинг қизларимиз, ҳа, бизнинг қизларимиз, севган йигитидан совчи келса-да:

— Нима дейсан? — деб сўралганда:

— Ўзингиз биласиз? — дейдиган қизларимиз: «Мен эрга тегай», деб гулдастага югуради? Бу ҳам асли тақлид эмас, юзсизликнинг бир кўриниши эмасми?

Ёки тўйдан аввал видеога олинб, тўйсаройларда намойиш қилинаётган «Севги тарихи» деб номланган «янгилик»ка нима дейсиз? Улар орасида умрида икки уч-бор учрашган, ҳали бир-бирининг кимлигини ҳам билмайдиган йигит-қизлар ҳам бор-ку. Уларда «севги тарихи» нима қилсин? Сунъий равишда «сайрга чиққан» йигит-қиз бир-бировини қувлайдимиз-ей, дарахт панасида туриб олиб, ялашадими-ей... (Яна ибора учун узр...) Ахир, ҳали никоҳдан ўтмаган йигит-қизнинг бетидаги ҳаё пардасини кўтариб юбормайдими бу «тарих»лар?

Яна олдинга қайтамиз...

Аслида бу ҳақда гапирмоқчи эмасдим. Чунки:

— Умрида бир марта бўладиган тўйда ҳам қиз бола пардоз қилмасинми? — деган эътироз бўлиши мумкин. Лекин пардозга ҳам тўйдан бир ой, ўн беш кун аввал закалат бериб, салонларни гапиришиб қўяди, тўй куни шунақа пардоз қиладики, уни шунақа бўяб-бежаб ташлашадики, кўрганлар таниши амри маҳол... Аслида ўзбек қизи, ўзбек келинчагига шунақа жонсиз қўғирчоққа ўхшаб қолишнинг кераги борми? Жуда қаттиқ кетдингиз... — деяпсизми? Мен... халқимни, миллатимни, унинг фазилатларини яхши кўраман! Яхши кўрган нарсангни топтасалар, дилинг оғрийди... Оғриқ пайтида овоз ҳам, сўз ҳам қаттиқ чиқади.

АЙЁМ АЙЁМДЕК БЎЛСИН!

Одам боласининг қалбида ҳамиша қувонишига мойиллик бўлади. Одамлар чехрасидан, ширин сўзлардан, табиатнинг гўзал, хушманзара жойларидан кўпинча шодлик, яшашга иштиёқ берадиган восита излайдилар. Топганда, суюнадилар. Бир қараганда, тақвимларимизда белгиланган байрамлар ҳам ана шундай инсон кўнглини қувончга боғлайдиган одатий кунлардан бошқачароқ кайфият бахш этадиган бир омилдир.

Қалбимизда Рамазон ҳайитининг шуқуҳини ҳис қилиб, «Тўққиз кун, етти кун, беш кун қолди...», дея бармоқ букиб ҳайитгача қолган кунларни санаймиз.

Қолгани — яхши, кетгани...

Ҳар бир айём билан боғлиқ урф-одатлар бор. Бугунги омон-омон, дориламон замонларга етиб келгунча ҳам гоҳ ошкор, қатагон пайтларида эса, пинҳон равишда одамлар рамазон ҳайитини нишонлаганлар.

Ҳайитни ўтказиш билан боғлиқ қайси расм-русум, одатлар рамазоннинг табиатига тўғри келади, дея сўраймиз ёшу қаридан.

Тожихол момо Маҳмараимова: Одамлар ўттиз кун рўза тутиб, ҳам қалбан, ҳам жисмонан покланадилар. Иродаси, матонатини синовдан ўтказадилар, Қалбимизда ҳар бир томчи сув, бир бурда ноннинг қадрига етиш, табиат ато этган

Шўйлар муборақ!

неъматларни авайлаш каби фазилатлар уйғонади. Рамазон айёми ана шундай эзгу туйғуларнинг давоми.

Ўсмирлигимиздаги ҳайитларни эслайман. Оилаларимизда:

— Битта пайпоқ бўлса ҳам янги кийиш керак, — деган анъана бўлар эди. Оналаримиз ипак матоларга кучи етмаса, бўздан бўлсаям, кўйлак тикиб, бизни ясантирардилар. Ҳатто, бобомиз ҳайит намозига кетаётганларида (эхтимол, у кишига болалардан ортиб, янги либос тикиб бера олмагандирлар) тўннинг ёқасига янги ипдан нақш чатиб берган эдилар.

— Мана, сиз ҳам ҳайитнинг олдига чиқдингиз, — деган эдилар. Бугун фаровонлик, тўқчилик замон. Албатта, қимматдан-қиммат янги эгни-бош кийиш шарт эмас-ку-я, лекин янги дастрўмолча бўлса ҳам тутиш керак. Бу — ҳайитга бўлган ҳурматимизни ифода этади.

Замон ота Хўжамов: Рамазон ҳайити деса, болалигим кўз олдимга келади. Ҳайит куни тоға, амакиларимиз бизга сурнайча совға қилишар эди. Кўчамизни биз — ёш «сурнайчи»ларнинг наволари босиб кетарди. Сурнайчалар бугун техника ривожланган даврда ҳам энг яхши ҳадя бўлиб қолишини истайман. Сурнай навосида тантанаворлик бор. Оналаримиз, келинларимиз ота уйларидан «ёр-ёр» билан чиққан пайтларини эслашади, шекилли, кўзлари порлаб, чеҳралари ёришиб кетарди...

Унсиний опа Кўчимова: Ҳайит ҳақидаги хотираларини хино қўйиш деган бир чиройли одат ёритиб туради. Унашилган, фотиҳа бўлган қизларга йигитнинг уйдан ҳайитлик келарди. Ҳайитлик ичида, албатта, хино бўларди. Ва биз — қизлар йиғилишиб, хино қўярдик. Дутор, чилдирма чалиб, ўйин-кулгу қилардик... Хино қўл, бармоқларни лолалантириб туради, у табиий пардоз буюми бўлгани учун саломатликка фойдали...

... Бу ёруғ дунёда нечта фаслни қалбдан ўтказган, неча бор киш қорларида чиниқиб, саратон офтобида тобланган қарияларнинг хотираларидан ҳам кўриниб турибдики, уларни суюнтирган урф-одатларга биз ҳам ўгай кўз билан қарамаймиз. Ҳар бирида бир ҳикмат кўрамыз.

Мулоҳазаларнинг давоми

Ўктамой опа Ҳабибова — маҳалла фаоли:

Ҳайит расмлари ҳеч қачон ҳеч кимга оғирлик туғдирмаслиги, ҳеч кимни толиқтирмаслиги, айём ўтгач:

— Худога шукур-ей, ўтди-ей, — деган таассурот бўлмаслиги керак. Шу маънода мен янги тушган келинчакнинг уйига ота-оналарнинг тоғора-тоғора пишириқлар юбориши, катта дастурхон тузаб, уч кун таниш-нотанишни қутишга монелик кайфиятини қўллаб-қувватлайман. Тўғри, ҳайит меҳмондорчиликлар, борди-келдилар фурсати. Сулола кексалари, беморлар йўқланади. Кўнгли яримлардан хабар олинади. Лекин келинчакнинг тўйдан сўнг яна бир тўй харажатини сарфлаб, ота-онаси, қариндошларига ҳўл мева, қуруқ мевадан тортиб кабоб, норин, юққа, товуккача солиқ солишларини ўттиз кунлик покланишдан кейинги айёмга ҳурматсизлик, деб биламан.

Ҳамма ўз уйини, ҳовлисини тозаласин. Ҳамма қурбига яраша дастурхон тузасин, лекин ҳозир анча камайиб қолган бўлса-да, ҳали-ҳануз баъзи хонадонларда давом этаётган исрофгарчиликдан, мен қизимга шунча тоғора жўнатдим, келинимга бунча тоғора келди, тарзидаги манмансирашлардан воз кечиш вақти етди.

Бундай охири уволга туташ «пойга»лар ўрнини ҳозир илғор маҳаллаларда яхши бир одат эгаллади. Яъни, янги келин-куёвларни ҳайит кунларида Самарқанд, Бухоро, Хива, Қўқон каби қадим обидаларга ошён бўлган шаҳарларга зиёратга йўллаяпмиз...

Шўйлар муборак!

... Замон ўзгаради, замонга боғлиқ урф-одатлар ҳам ўзгаради. Бугун бу ақидаларимиздан бизга мерос бўлиб келаётган табаррук айёмни яна ҳам чиройли, дилтортар тарзда ўтказиш учун ёш ўзбекиойимлар нималарни тавсия қилади?

Севинч — университет талабаси: Нималарни тавсия қилишдан аввал воз кечадиганимизни айтмай. Аслида менинг фикрим янгилик эмас. Бу турли маросимларни ўтказиш бўйича тарқатилган йўриқномада ҳам белгилаб берилган. Қўшнимизнинг уйида уч-тўрт ой аввал аза бўлган эди. Ҳозир пишириқлар қилиб, дастурхон тайёрлашяпти. Аёллар «вой, жигарим»лаб йиғлаб келгувчилар билан марҳумни йўқлашади. Мен ҳайитга адрас кўйлак тиктиряпман. Ироқи дўппи киймоқчиман. Ўсма-сурма билан қўшнимизнинг уйи олдидан қандай ўтаман? Айём айёмдек бўлиши керак-ку!

Таклифим: келинчақлар уйида ҳайит қилмаса ҳам, ҳайит саломига чиқиши керак. Маҳалланинг кексаларига салом қилиб, дуоларини олишлари керак. Кимлардир уларни эмас, улар кимларнидир йўқласа, чиройли чиқади.

Дилором — коллеж ўқувчиси: Ҳайитда тоғаларим, амакиларим «ҳайитлик» деб пул беришади. Шу одат қолсин, илтимос. Бунинг ҳеч ёмон томони йўқ.

Зулайхо — келинчақ: Ҳайитга йўқлов юбормайдиган ота-оналар қизига каттароқ бир буюм, масалан, музлаткич, стол, стул ёки кир ювиш машинаси қилсин, деган одат чиқибди. Тўйимиз бўлганига энди олти ой бўлди. Ҳали ота-онам мебелим, сарпо-суруғимнинг қарзидан қутилгани йўқ. Энди бу буюмларни қандай олишади?

Хотин-қизлар қўмитаси маҳаллалардаги қайноналарни йиғиб:

— Келинларингнинг буюмлари эвазига мақтанишни бас қилинг, — дейишлари керак...

Бизнингча

Ана иддао-ю мана иддао... Ҳолбуки, бу қадимий байрам... Тўн, дўппилар кийиб, ўзимизга ўхшаб қолган йигитлар бел, елка олишиб сўрашадилар. Қошлари ўсмали, киприклари сурмали аяжонларда ҳам ўзгача тараддуд... Қизлар:

— Ҳайитгача қулф уриб, шамоллар титратса, хуш ҳиди келиб турсин, деб жўяк-жўяк райҳонларга кун ора сув қўядилар...

Дўппидўзлар, белбоғ усталарининг қўли-қўлига тегмайди. Ҳолвапазлар шакар ғамлаган...

Бувижонлар жаранглатиб, сарпо сандиқларини очганлар...

Шоир айтмоқчи:

«Шодлик қўшини босди саодат кўчасини, Болалар жаранглатар ҳайитлик тангасини, Келинчаклар «қирқ кокил» бўлсин дея қистайди янгасини, Бугун чин арафадир...».

Демак, кўнглимиз, қадамимиз, хатти-ҳаракатларимиз, дуоларимиз, эзгу ниятларимиз шоирнинг шу жарангдор сатрларига эш бўлиши, юртимиздаги қувонч инъикоси бўлган манзараларга ҳамоҳанг бўлиши керак.

ҚИЁФА – ҚАЛБ КЎЗГУСИ

Қадрли Ўзбекойим! Ҳаёт саҳнасига чиққанингиз, биз — ўзбек аёлларини меҳр-муҳаббат билан кузатиб бораётганингиз учун Сизга раҳмат!

Шу кунларда хаёлимда бир фикр айланиб қолди. Бу фикр яқинда зиёли бир хонадоннинг тўйига боргач, туғилди.

Бу хонадоннинг аждодлари халқимизнинг миллий белгиларини мустаҳкамлашга ҳаракат қилган инсонлар. Халқимиз учун қай фазилат зийнат ҳисобланса, халқимиз қай фазилатлари билан фахрланса, бу хонадон соҳиблари ўша фазилатларни асраб қолишга бутун вужуди билан курашганлар.

Лекин уларнинг тўйида ўзбекчиликдан, миллийликдан асар кўрмадим. Европача мусиқалар, дискотекасимон рақслар, ярим яланғоч йигит-қизлар бир ёқда турсин, ҳатто, келинни отаси қўлидан ушлаб, мусиқа остида куёв қўлига топширди. Демокчиманки, нозик имо-ишораларда, сирли кўринишларда намоён бўладиган никоҳ одатларимиз чок-чокидан сўкилиб кетди.

Тўй борасидаги куюнишларимни эшитиб, аксарият одамлар:

— Қиёфага кўп ҳам эътибор бераверманг, қалби ўзбек, қалби пок бўлса бўлди-да, — дейишяпти.

Азиз Ўзбекойим, шу гап ростми? Ростдан қалб билан қиёфа бир-бирига таъсир қилмайдими?

**Гулчеҳра,
Самарқанд.**

Гулчеҳра қизнинг бизга йўллаган мактубини ўқиб, «қиёфа» деган сўз кўз ўнгимда чироқдай ёниб туриб қолди. Нима у қиёфа? Фақат сувратми? Ёки суврат ва сийратнинг уйғунлигими?

«Қиёфа» тушунчаси якка шахсларга хосми ёки бутун бир миллатга хосми?

Ўзбек аёлининг қиёфаси... У ҳақда ўйлаганимизда хаёлимиздан нималар ўтади?

Жаннатмакон шоиримиз Муҳаммад Юсуфнинг жуда чиройли қўшиқ бўлган, айтганда ҳам, эшитганда ҳам юракни титратадиган сатрлари бор:

Айланайин қора қошу кўзингдан-а,

Ўзингдан қўймасин, халқим, ўзингдан-а...

Фақат бу шеърда эмас, балки, бошқа ҳолатларда ҳам аёлларимиз ҳақида гап кетса, «Қоракўз» деган сифат ишлатилади.

Шу сўз кўп йиллардан буён, халқимиз, айниқса, аёлларимиз, болаларимизга нисбатан ишлатилгани учун бўлса керак, қадрдон бир сўзга айланган. Бу сўзни эшитишимиз билан кўзимизда чирой, қалбимизда меҳр ҳис қиламиз.

Лекин кейинги пайтларда айрим ёшларимиз, ўғил-қизларимиз кўзларига турли рангдаги линзалар қўйишмоқда.

— Тўй қўйлагим мовий рангда эди, мовий рангли сумка билан шу рангда туфли олдим. Кейин салонга бориб кўзимга мовий рангли линза сотиб олдим, — 16 ёшли Зилола исмли қизнинг бу гапида, эҳтимол, ёшлик ҳавасидан бошқа ҳеч нарса йўқдир.

Лекин қиёфамизга «Қоракўз» бўлиб ўрнашган кўзлар учун бу хилдаги ҳавас хиёнат эмасмикан?

Қошинг асли қорадир,

Ўсма қўйганинг ёлғон...

деган халқ қўшиқларига оёқ қўяётганлар йўқми?

Пайваста қошларини ипдай теририб юрганлар эртага бу қошни кўк ёки сариққа бўятса, ажабланмайман...

Ахир, қора қуюқ сочларини сариқ, кулранг, ҳатто, оқ рангга бўяб, «модница»ман деб юрганлардан бу хилдаги ўзгаришларни кутиш мумкин эмасми?

Қалб билан қиёфа бир-бирига чамбарчас боғлиқ. Сен миллатинг учун азиз бўлган белгилардан юрагинг «қилт» этмай воз кечдингми, демак, қиёфангда ҳам бўшлиқ пайдо бўлгани...

Пардозчи билан суҳбатдан кўчирмалар:

— Виолетта, сиз кўп йиллардан буён пардозхонада ишлайсиз. Авваллари ўзбек аёллари, қизлари махсус пардоз учун ҳузурингизга камроқ келар экан. Энди улар тез-тез ташриф буюрадиган бўлишибди. Қасбингиз нуктаи назаридан буни қандай баҳолойсиз?

— Агар даромад нуктаи назаридан қарайдиган бўлсак, бу — албатта, яхши. Пардозчи миждоз билан пардозчи-да. Лекин шифокор кўзи билан қарайдиган бўлсам, ўзбек аёллари, назаримда, табиийликдан узоқлашаётгандек. Мен яхши эслайман: аввал уларнинг асосий пардоз воситалари ўсма, сурма, хино каби табиий воситалар бўлади.

Табиий воситалар саломатлик учун фойдали. Замонавий пардоз воситаларининг кўпида кимёвий бўёқлар бор. Инсон табиийликдан узоқлашиб, сунъийликка яқинлашган сайин бу табиатига ҳам таъсир қилади. Ҳар қандай сунъийлик хоҳ у овқат таркибида бўлсин, хоҳ у пардоз буюмлари таъсирида бўлсин, қайси бир даражададир, инсон организмга сингишади. Табиий яшаш тарзига таъсир қилади. Ўзбек аёли табиатан ҳалима, оғир, босиқ, ҳаёли, иболи, андишали бўлади. Сунъийлик эса, семиртурса — беғам, бепарво, оздирса — жиззаки, асабий, нимжон қилиб қўяди.

— Виолетта, татуаж масаласида фикрингиз қанақа?

— Аёл учун татуажни сўнги имкон деб биламан. Татуажни баъзи аёллар: «Бизнинг ишимиз кўп, ҳар доим ҳам

пардоз қилишга улгура олмаймиз. Татуаж тайёр пардоз», дейишади. Биринчидан, татуаж бир хилликни таъминлайди. Уни қилдирган аёл, хоҳласа, хоҳламаса, қиёфасини ўзгартира олмайди. Азага ҳам қип-қизил лаб ёки қоп-қора қош билан боришга мажбур бўлади. Иккинчидан, татуаж ҳар доим ҳам муваффақиятли чиқавермайди.

Баъзи аёлларга аллергия бериб юборади.

... Мен бу узоқ давом этган суҳбатнинг ҳаммасини сиз — ўқувчиларга ҳавола этиш фикридан йироқман. Қолаверса, Виолетта ҳар икки гапининг бирида:

— Ўз нонимни ўзим яримта қиялпман, — деб турди. Лекин мард аёл экан, ростини айтди.

Хўш, ўзимиз юзимизни кимёвий моддалар билан «тўйинтирсак», бу моддалар тери орқали жисмимизга ўтиб, феъл-атворимизга таъсир этса, бу қиёфа билан қалбнинг боғлиқлиги эмасми?

Инсоннинг қиёфаси ўзгариб борган сайин қалби ҳам ўзгаради...

— Бошинга қайғу тушганида ҳамдардлик билдиргани келган одамнинг лаблари гилосдай қип-қизариб, киприклари найзадай диккайиб турса, «Мени масхара қилгани келганми бу?» деб гашинг келар экан, — дейди Хайринсо исмли азадор аёл қизининг фирмада ишлайдиган дугоналарининг таъзияга келганини эслаганда...

Корейс, япон аёлларига ҳавас қилиб, шаҳло кўзлар ниҳоясига узун чизиқ тортиб бирлаштирамиз, кўзлар кичиради...

Ҳинд қизларига ўхшагимиз келиб, пешонага, иягимизга хол кўямиз...

Европаликларга тақлидан соч қирқамиз...

Ёки африкаликларни тақрорлаб тепа сочимизни майда ўрамиз...

Буям майлику-я, энди дунёнинг қайси бир давлатларида аёллар сочларини тап-тақир қилиб олдириб, калласини ялтиратиб юрганмиш...

Наҳот, энди уларга қараб ҳам қиёфамизни ўзгартирамиз? Қани унда ўзбек аёлининг қиёфаси? Аслида уни асраб қолиш ҳар бир аёл, ҳар бир қизнинг бурчи эмасми??

Бизким, ўзбеклар... дея жаҳон майдонида фахрланиб гапирганимизда юртимизнинг энг гўзал манзаралари фонида ўз қиёфамиз ҳам намоён бўлиши керак эмасми? Тилимизда: «Санъаткор одоби», «Муаллим одоби», «Шифокор этикаси» деган гаплар бор. Бунда ўша касб эгаларининг қалби қиёфаси, феъл-атвори тўлалигича акс этади. Демак, «Миллат одоби» деган муқаддас тушунчани асраш учун аёлларимиз ўзбекона қиёфасини ҳам асрашлари керак бўлади.

Эҳтимол, Гулчеҳра қизимнинг саволи кўп қизларнинг дилидан ўтаётганидай, менинг жавобим ҳам замондош Ўзбек-ойимлар дилидан ўтаётгандир. Илоҳо, шундай бўлсин!

ТҶЙ «ТҶЙ!» ДЕГАНИ ЭМАС... ёки узатилаётган қиз билан баҳс

— Биз ҳам ўз даврида тўй билан узатилганмиз. Қуёв тарафдан келган сарполарни очиб қарашга ҳам хижолат бўлганмиз. Амакиваччамиз:

— Комила, тўйингга Комилжон ҳофиз келар экан, деганларида бошим осмонга етган. Лекин юрак ютиб:

— Менинг тўйимга фалончи келиб ашула айтсин, — дея олмаганмиз.

Ахир, келинлик остонаси ҳам ўзига хос бир синов, имтиҳон фасли. Сен одатдагидан ҳам сезгир, зукко ва ақлли бўлишинг керак...

— Э, у қўшиқлар айтилиб бўлган. Тўй — меникими, мен унинг ҳар бир қисми билан қизиқаман. Чунки бу умрда бир марта бўладиган тантана. Дастурхонимиз тўкин-сочин бўлсин. Келган меҳмонлар: «Тўкиб ташлабди», дейишсин. Тўйимда энг замонавий эстрада хонандалари келишини, навбат талашиб, ашула айтишларини, ҳамманинг ҳаваси келишини хоҳлайман...

— Ахир, сенинг ҳозирги вазифанг тўйни дабдабали ўтказиш, «юлдуз»ларни чақириб, дискотекага айлантиришдан бошқачароқ бўлиши керак эмасми? Сен ўзингнинг бошқа бир оламга — келинлик оламига кириб кетаётганинг, бу оламнинг талаблари, қонун-қоидалари бутунлай бошқача экани

Шўйлар муборак!

ҳақида ўйлашинг керак эмасми? Мен сени кузатиб юрибман: келинлик кўйлақларингга фасон танлайсан, чевар билан гапирришасан. Келин кўйлақларни ижарага берадиган салонларга чопасан. Сен бу ижара кўйлақ орқасидаги можаролардан хабардормисан?

300, 500, ҳатто 1000 долларга бир кеча-кундуз учун ижарага берилган кўйлақ сендан олдин нечта қизнинг эгнига кийилган экан? Уларнинг қай бири оқила, оқ кўнгиш, қай бири ҳасадгўй... Кўйлақка кийган одамнинг руҳияти ўтишини билсанг керак. Қимматлиги бир тараф, ундан ўтган руҳият сенинг дунёнг иқлимини ўзгартирмайдами? Вужудингга салбий туйғулар олиб қирмайдами?

— Мен жуда сиз айтгандек ҳамма нарсадан беҳабар бўлиб бўлғуси турмуш ўртоғимникига бораётганим йўқ. Бичиш-тикиш, пазандачиликка қатнадим. «Эркак ошқозони билан севади», «кўзи билан севади», деган фикрларни ҳис этаман. Лекин барибир тўй мен учун муҳим. Мен ўртоқларимнинг тўйида:

— Тўртта бўлсаям бодом, писта қўйиш керак эди. Қурумсоқлик ҳам эви билан-да, тўйдан орттириб нима қиларкан? Ҳаваси йўқ одамлар экан...

— Уялмасдан столга уйда тайёрланган шарбат қўйишибди. Бутилкали, қозоқ, елим ўровли шарбатлар тўлиб ётганда, бу қанақа қурумсоқлик... — тарзидаги гап-сўзларни эшитганман.

Мен одамларнинг сўзбўронида қолишни истамайман...

— Бу — энди кибр, синглим. Тўғри, одам ўзини атрофдагиларнинг кўзлари билан ҳам назорат қилишлари керак. Лекин Яратган эгам ақлни нимага берган? Ўз-ўзингни бошқариш, ўз-ўзингни одоб доирасида ушлаш учун!

Ҳар ким ўз имконияти даражасида дастурхон ёзади. Ҳаддан ташқари зўриқиш белни синдиради, дейишади. Сен, ҳатто, бўлажак турмуш ўртоғинг қарз-қавала билан

тўй қилсаям, «обруў кетмасин», деяпсан. Эртага бу қарзлар орқасидан келадиган кўнгилсизликларни ўйлаясанми? Эртаиндин ўтиб, тўй завқ-шавқининг гулханлари пасайғач, қарз берганлар пулини қистаб келади. Сен муҳаббат кутаётган йигитнинг елкасидаги юк оғирлашган, тунд, қовоғи солиқ, энини бўйига етказа олмаётган қайната, қайнана — тажанг... Сен орзу-ҳавас баландликларига сакрашдан аввал шу ҳақда ўйла! Бир тупроқда ўсиб-унган ниҳолнинг иккинчи тупроқда илдиз отиши осон эмас. Сен ошхона илмининг пири бўлиб кетганинда ҳам, борадиган жойингнинг ўз яшаш тарзи, қонун-қоидалари бор. Сен бу қоидаларни ўзлаштиришинг, кўникишинг, сабрбардошга ўзингни тайёрлашинг керак бўлади.

— Мен янги замоннинг қизиман. Ўз эрку ихтиёрим ўзимда. Бўлажак турмуши ўртоғимнинг оиласига қул бўлиб бормоқчи эмасман. Ҳамма нарсада мен уларнинг йўриғига юришим, уларга бўйсунушим шарт эмас. Керак бўлса, мен ўз тартиботимни ўрнатаман. Ахир, энди бошқа замон келди...

— Ҳа, замон — бошқа. Лекин халқ ва миллат учун шундай нарсалар борки, улар ҳеч қачон эскирмайди, ҳамиша замонавий бўлиб қолаверади. Шундай ривоятни эшитганмисан?

Бир айби учун қадим замонда бир аёлни дорга тортадиган бўлишибди. У дор остига кетаётиб, игна билан ип сўрабди.

— Ўзингиз охири нафасларингизни оляпсиз? Сизга игнаипнинг нима зарурати бор? — дейишса:

— Қўйлагимнинг этаги озгина сўкилибди, тикиб олай, дорда йиртилгани кўришиб қолмасин, — деган экан... Сенга бу андиша тушунарлими? Ахир, сен минг-минг йиллардан буён шу руҳиятда яшаётган оилалардан бирига келин бўлиб борасан.

Яқинда мен кейинги пайтдаги оилавий ажралишлар таҳлилларида иштирок этдим. Эри тарафидан жавоби берилиб, уйига жўнатилаётган келинларга қўйилаётган айбнинг тўқсон фоизи:

Тўйлар муборак!

— Андишасиз, бетгачопар! — деган айб. Сен тўй арафасида бетгачопарлик, андиша билан замонавий ва журъат орасидаги фарқни ўргандингми? Эҳтимол, бугун сенга «мен» бўлиб кўринаётган туйғу айнан кексаларнинг гашини келтирадиган андишасизликдир... Бу фарқни англаш, меъёрни ушлашга тайёргарлик бу сенинг бугунги асосий вазифаларингдан бири...

— *Шунақа дейсиз-ку, ипакдай эшилаверсам, ҳар бир гапига «хўп» дейишига тайёрланаверсам, эртага ўзлимгни йўқотиб қўймайманми? Ахир, кучсиз, эзгин, заиф онанинг болалари ҳам шу руҳда улғаяди-ку...*

— Албатта, «мен»лигингни намойиш қилиб, бақир-чақир билан ўзлигингни ўтказиш шарт эмас. Сенинг қўлингда, умуман, аёл қўлида катта имкон бор: гўзаллик, меҳр-муҳаббат, ноз-истиғно... Ахир, ҳазрат Лутфийда: «Бу ҳусну малоҳат яна қайси кун учундир?» деган гап бор-ку! Аёл ўзини қанча назокатли, нафосатли кўрсатса, эркак шунча эрийди... Тўйдан бошланган суҳбат нега турли йўлларга бурилиб кетди, дерсан? Мен сенга тўй турмушининг бир зарурий ҳалқаси, лекин у асосий ҳодиса эмаслигини тушунтирмоқчиман, холос.

Майли, тўйнинг чиройли, ихчам, самимий бўлгани яхши, лекин дабдабали, сенинг тенгдошларинг тилида айтилаётгандек, «ҳамма нарса оқизилиши» шарт эмас... Бутун куч-қувват, эътибор шунга қаратилса, бу ўта ўйсизлик, масъулиятсизлик бўлади сен тарафдан. Тўй дегани «Тўй!» дегани эмас!

Қизгина, ҳушингни йиғ! Мен кузатиб турибман, бугун соч турмаклаш салонига қўнғироқ қиласан, тўй арафасида сочингни қандай турмаклаш ҳақида маслаҳат қиласан. Макияж, яна алланарсалар ҳақида бош қотирасан. Нимадир ўхшамай қолса, сиқиласан. Атрофга заҳрингни сочасан... Лекин тўй арафасида яна асосий жиҳатлардан бири саломатлигингни текширтириш ва асраш-ку.

— *Тиббий текширувлардан ўтдик...*

— Шундай деяпсан-ку, даминг ичингга тушиб кетяпти... Эҳтимол баъзиларга ўхшаб, саломатлик ҳақидаги маълумотномани «йўлини қилиб» олгандирсан? Бугун соппа-соғман, деб тиззадан баланд юбкада, очиқ-сочиқ кофтада чопиб юрибсан...

Илоҳо, соғ-саломат бўлгин-ку, лекин бўлғуси аёл, она сифатида чинакам тиббий теширувдан ўтиш сен учун заруратлардан зарурат. Мен сенга бир дили хуфтон келинчакдан эшитганимни айтаман:

«Тишларимни тузаттиришим керак эди, лекин пулимни аядим. Қимматбаҳо кўйлак билан туфли олдим тўйимга... Лекин тўйдан кейин эрим:

— Оғзидан ҳид келар экан, нега учрашувда ҳам ялпизли живачка чайнаб ўтиради, дердим-а, шу балоси бор экан-да,» дебди. Хуллас, дабдабали тўй, қимматбаҳо кийимларимнинг пули сувга оқди. Уч ойдан буён уйда ўтирибман. Маҳалла маслаҳатчимиз:

— Тиш тузаттирса бўладиган нарса, шунгаям ажраладимми? — деб эримнинг маҳалласига борган экан, қайнанам:

— Ўғлимнинг кўнгли совуди, — деганмиш».

Мен сенга «талоқ» тавқи лаънати билан уйда ўтирган бир келинчакнинг дардини айтяпман. Бундай дард сенда, нафақат сенда, бошқада ҳам тақорланмаслигини истайман...

Тўй оstonасидаги синглим, мен сенинг чиройли тўйда чиройли келин бўлишингга қарши эмасман. Лекин тўй бахт оstonаси, у бахтнинг ўзи эмас. Бахтни эса, сен фаросатинг, ақлинг, сабр-бардошинг, меҳнатинг билан яратасан! Ўйлайманки, сен бунга қодирсан, сен буни эплaysан. Ахир, сен ибo-ҳаё, сабр-бардош, меҳнаткашлик зийнат бўлган халқнинг қизисан!

ҚАЧОН ТУРМУШ ҚУРАЙ?

«Бу ёз коллежнинг учинчи босқичига ўтдим. 18 ёшни тўлдириб, 19 га қадам қўйяпман. Совчилар келиб туришибди.

Онам:

— Тезроқ бирортасини танла, қиз боланинг бозори бир қизийди. Ҳадеб совчиларни қайтараверсак, кейин уларнинг қадами узилади, — дейди. Амма, холаларим ҳам шу фикрда. Лекин мendan икки ёш катта мактабдош дугонам (у турмуш қурган, битта фарзанди ҳам бор):

— Нодира, шошилма! Ота-онанг бағрида яшаган пайтларинг энг яхши чоғларинг. Ҳали ҳаммасига улгурасан, — дейди.

Бошим қотиб қолди. Кимнинг йўриғига юрай?

Нодира, Тошкент вилояти.

Нодира каби турмушга чиқиш ёшини сўраётган қизлар оз эмас. Бир қараганда, бу саволнинг жавоби аниқ. Оила ва никоҳ ҳақидаги қонунларимизда йигитлар учун турмуш қуриш ёши 18, қизлар учун эса, 17 ёш қилиб белгиланган.

Албатта, қонунлар тасодифий қабул қилинмайди. Ҳаётни кузатиб, одамлар эҳтиёжи, шароити, хоҳиш-истакларини ўрганиб, тегишли мутахассислар хулосалари тингланиб, қонунлар қабул қилинади. Лекин ҳар қандай қонун мутлақ ўзгармас ҳодиса эмас. Давр, замон талабига мос равишда

кишилар орасида вужудга келган янги муносабатлар туфайли қонунлар у ёки бу тарафга ўзгаради.

Бизнинг назаримизда, бугун йигит ва қизларимизнинг жуфтлашувлари учун 18 ва 17 ёшлар анча эрта кўриняпти. Нега? Бу саволга эрта турмуш қурганларнинг жавобини эшитсак, тўғри хулоса чиқаришимиз мумкин бўлади.

Рухсора:

— Жуда катта орзулар билан тиббиёт институтига ўқишга кирдим. Болалар шифокори бўлишни болагимдан орзу қилардим. Оқ халат кийиб, штатив кўтариб юрганларим тушларимга кириб чиқарди.

Узоқроқ танишларимиздан бири:

— Биз дўхтир қизни келин қилишни ният қилганмиз, ҳар жиҳатдан излаган қизимизга мос экан, — деб остонамизга ётиб олишди. Йигит мендан олти ёш катта экан. Ҳар кунни олдимга гулдаста кўтариб чиқарди. Ёш эдим. Йигитнинг ота-онасининг мақтовлариданми ё унинг ўзининг меҳр-муҳаббатиданми эриб кетдим. Тўйга розилик бердим. Орадан ҳеч қанча ўтмай, бошқоронғулик даврим бошланди. Ичимда сув ҳам турмайди. Бир ҳафтача судралиб институтга бориб-келиб юрдим. Кейин гавдамни кўтаролмай қолдим.

— Онамниқига олиб бориб ташланглар, ўлиб қоламан, — деб ёлвордим.

Онамниқига боришга бордим, сал жоним ҳаловат бўлганда эрим:

— Бўлди-да энди! Ҳадеб чўзилиб ётаверасанми касалга ўхшаб? Уйга юр, ота-онамга хизмат қил, акаларим, кеннойиларимдан уяляпман, — деди. Уйга қайтариб олиб келди. Лекин мен бошқоронғиликни жуда оғир ўтказаяётган эдим. На ўқишга, на ишга ярайман!

Қизиги, баҳорга бориб эримнинг буткул мендан кўнгли қолди.

— Чиллашир, эти суягига ёпишиб ётибди. Кўзим қаерда экан? — деган гап бемалол оғзидан чиқиб кетаверарди.

Қайнонам:

— Уйни эплаб ўқийди ўқиган одам. Қўлингиздан кел-маса, йиғиштиринг ўқишни, — деди. Йиғладим. Кучим икки кўзимга етди. Туғруқдан аввал шифохонага ётқизиб қўйишди:

— Заифсан, ўзинг туғишинг гумон, — дейишди... Қийна-либ кўзим ёриди. Бола жарроҳлик йўли билан дунёга келди. Ўзимга келгунча ота-онам бағрида яшай, деб туғуруқхонадан уларникига келдик. Эрим ҳам, қайнона-қайнотам ҳам бир мартаям йўқлаб келишмади.

— Ҳеч нарсани эплай олмайди. Энди бола боқишни урдалай олармиди? — дейишибди. Шундай қилиб, ота-онамнинг уйида фарзандим билан қолиб кетдим. Эрим уйланди. Бинойидай яшаб юрибди. Фақат мен ўқишни ташладим, болам нимжон, тез-тез томоғи оғрийди, шамоллайди... Орзуларимнинг қаноти синди...

Албатта, ёш турмуш қурганларнинг ҳаммаси Рухсо-ра каби бахти номукамал аёл бўлади, дейиш фикридан йироқмиз. Оиласида эрта меҳнатга кирган, рўзғор ишларида кўзи пишган қизлар янги уйини ҳам эплаб кетадилар. Лекин улар кўп эмас. Аксарият эрта никоҳдан ўтган қизлар келинчак бўлгач, қийналадилар. Улар ҳали болалик дунёсидан буткул узилмаган бўлишади. Эрта-лаб тонг саҳар тура олмай, инжиқланадилар. Қайнона-қайноталар бу болаларча инжиқликни дангаса, бефаро-сатликка йўйишади.

Ёш турмуш қурган келинчаклар фақат жисмоний жиҳатдан эмас, маънавий жиҳатдан ҳам қийналадилар. Уларнинг кўпчилиги ота-онаси бағридан айро тушиб кўрмаган, иссиқ ошёнда эркаланиб юрган бўлишади. Тўғри, уйидагилар, амма, холалари унга эрга қандай муносабатда бўлиш, қайнона-қайноталарнинг ҳурматини

жойга қўйиш каби заруриятларни ўргатишади. Лекин кўрган бошқа, эшитган бошқа. Қайнота, қайнонадан, эрдан рухсат сўраб кўчага чиқиш, улар хоҳламаган ишдан ўзини тийиш кабилар келинчакнинг нафсониятига тегади. Уларга ўзи хоҳлаб, ўзи истаб турган нарсасининг ман этилиши камситиш, хўрлаш бўлиб туюлади.

Ишонмасангиз, худди шу ҳолат сабаб бўлиб 3 ойлик келинчаклигида уйига кетиб қолган Зиёдани тингланг.

Зиёда:

— Менга ота-онам ҳамиша ишонишган. Бир жойга бораман, десам рухсат сўраб ўтирмаганман.

— Мен фалон жойга бораман, — дердим, ота-онам:

— Яхши бориб кел! — дейишарди.

Мен бирорта ножўя ҳаракат билан уларни ранжитмаганман, хафа қилмаганман. Ёш турмушга чиқдим. Эрим масъулиятли ишда ишлайди. Вақти кам. Мен эса, ўртоқларим билан ўйнаб-кулгим келади. Ҳали ёш бўлсам...

— У ёқ-бу ёққа бораман, десам.

— Сиз энди шалдираб юрган қиз эмассиз, бирор ёққа борсангиз, эрингиз билан бирга борасиз, — дейишди.

Хўш, нима ўзгарди? Келин бўлдим, дегани қул бўлдим, дегани эмас-ку!

... Бир қараганда, Зиёда ҳақдек туюлади. Ахир, замон, муносабатлар ўзгаряпти. Шахс эрки, инсон эрки деган гаплар бор. Лекин бизнинг менталитетимиз келинчакнинг сачрашини, «мен», «мен»ини кўтармайди. Агар Зиёда:

— Сиз рухсат берсангиз...

— Сиз розилик билдирсангиз... деган мурожаатлар билан рухсат сўрашни билганида муаммо бу қадар улканлашиб кетмасмиди?

Бунинг учун Зиёда ёшлик қилган. Оиланинг қадрига етиш, эришилган бахтни маҳкам ушлаш каби заруриятларни чуқурроқ англашга у ҳали ёш эди.

— Эрта турмуш қуриш оқибатида ёш қизларимизда кейинги пайтларда чурра касалликлари кўп кузатилмоқда, — дейди акушер-гинеколог Раҳима Нурова.

Чиндан ҳам, ҳали жинсий ҳаёт ҳақидаги билимлари чуқурлашмай турмуш қурган қизлар бу ҳаёт қоидаларига амал қилмайдилар. Жинсий ҳаёт, турмуш ўртоқлари билан кўп интим муносабатда бўлиш уларни зўриқтиради. Натижада чурра касаллигига мубтало бўлишади. Эрта турмуш қуриш фақат қизлар учун эмас, йигитлар учун ҳам турли муаммоларни келтириб чиқаради.

18-20 ёш йигитлар орасида бирор касбни эгаллаб, даромад топадиган бўлганлари кам учрайди.

— Севган қизимни бировга бериб юборишаётган эди, Ур-тўполон билан, агар шунга уйланмасам, жонимга қасд қиламан, деб тўй қилдик. Йил бошиданоқ жанжал бошланди. Эр-хотин — талабамиз. Йўл пули, овқат пулини ҳар куни ота-онамдан оламиз. Уялганимдан кечаси бир хусусий ошхонага ишга кирдим. Рафиқамга айтгани хижолат бўламан, мени ким деб ўйлайди, дейман. Кеч келаверганимдан сўнг хотиним рашк қила бошлади. Ҳаётимдан ҳаловат кетди. Эрта уйланганимга минг пушаймон бўлдим, — дейди Носир исми йигит...

— Бобоси кўзи тириклигида тўйини кўрсин...

— Бувиси невара келиннинг кўлидан чой ичсин...

— Тезроқ узатиб, тинчий...

— Уйлаб қўйсам, кўчадан оёғи тийилади, уйга боғланади...

Ота-оналар фарзандларини эрта жуфтлаш учун юқоридаги баҳоналарни рўқач қилишади. Эҳтимол, бобо, бувининг муаммоси ҳал бўлар, улар невара келин-куёвдан хурсанд бўлишар, лекин ёшлар ҳаётида бошланадиган муаммоларни ҳал қилиб бера олишармиди? Атрофдаги оилаларни кузатинг, йигитлар 25-26 ёшда, қизлар 23-24 ёшда турмуш қуришган оилалар анча мустаҳкам.

Статистик маълумотларга қарасак ҳам, айнан 30 ёшлар орасида оила қурганлар орасида ажралиш кам қайд қилинар экан.

Руҳоний илмларда ҳам, шариат қонун-қоидаларида ҳам эркакнинг оила боқишга қурби етгачгина, бу хайрли ишни бошлаши ёқланади. Аёлнинг соғломлиги, балоғат ёшига етиб турмуш қуриши маъқулланади.

Шундай экан, ёшларни қовуштиришга шошилмайлик. Ҳар нарса ўз вақтида чиройли, дейди доно халқимиз. Турмуш ҳам ўз вақти-соатида чиройли. Нодирага ҳам, у каби мустақил ҳаёт остонасида иккиланиб турган йигит-қизларга ҳам айтар гапимиз — шу!

НЕЧТА КЎЙЛАГИНГИЗ БОР?

Келинг, санаймиз: ёзлик, қишлик, баҳор, кузлик... Уларни ҳам ажратамиз: кўчалик, уйлик... Кўчаликларининг ўзини ҳам хиллаш мумкин: яқин қариндошларникига кийиладигани, қуда тарафга, йиғилишларга, ишхонага, театрга...

Зерикиб кетдингизми? Нафасингиз қайтдимиз? «Бу — ҳали ҳаммаси эмас», дейишади-ку бошловчилар. Чунки бир фаслнинг кийими бир сидра бўлмайди-ку.

У эмас, бу эмас, бизда буюмпарастилик, кийимпарастилик касаллигининг бошланганига анча бўлган. Бу борада хийлагина тажрибага эгамиз. Бу ёмонми? — дейсизми?

— Ахир, либос инсоннинг қиёфасини белгилайди-ку. Фасллар, давраларга қараб кийим танлаш — бу ҳам қандайдир даражада маданият белгиси-ку, — дейсизми?

— Сиз — ҳақсиз. Дарҳақиқат, сувратда сийрат акс этади, озода, ихчам, дид билан кийиниш кишининг, айниқса, аёл кишининг фаросатидан дарак беради. Лекин бугун биз кийинишга эмас, кийим олишга бўлган муносабат ҳақида фикрлашмоқчимиз.

Улар қандай кийинишган?

Сарвар Қодиров — техника фанлари доктори:

Хотирамни титкиласам, кийиниш билан боғлиқ унча-мунча воқеалар бор экан. Биринчи синфда ўқиётганимизда дарслик

китобимизда чарм ботинка кийиб тушган боланинг расми бор эди. Муаллимиз:

— Ким дарсларни зўр ўзлаштириб, мактабни муваффақиятли тамомласа, юртимиздаги энг нуфузли олийгоҳларга ўқишга киради. Ўқишни тугатиб ишласа, фақат чарм ботинкага эмас, чарм куртка, чарм шапка, чарм папкаларга ҳам пули етади, деганлар. Биз ўша пайтда мактабга калиш кийиб борардик. Қор ёққанда калишимиз қорга тўлиб кетар, мактабга келгач, ечиб, печкага навбатма-навбат қўйиб иситардик, қуритардик. Ўшанда муаллимизнинг сўзларини эшитиб, ичимда:

— Чарм ботинка кияман, — деган орзу уйғонган...

... Йиллар ўтди, баландликка интилиш ҳаваси чарм ботинкадан бошланган Сарвар улғайди. Ҳаёт йўлларидаги машаққатларни енгди. Катта давраларга кирди. Меҳнати, истеъдоди, қатъияти билан тўқис саодатга эришди. Ҳамиша кирган даврасига мос кийинса-да, кийим у киши учун шунчаки кўриниш воситаси. Барибир сочларига йилларнинг қумушчанги қўнган, донишмандлик фаслида яшаётган бу олим, гап бошида айтганимиздай, чарм ботинкани узун орзулар йўли, мақсад, ҳаракатлар йўлининг бир нузли нуқтасидай хотирлайди.

— Кийим... шунчаки кийим бўлса, унга ҳурматим йўқ, аммо инсон ҳаёти, фаолиятида бурилиш ясаган, яхшилиқ тараф ўзгартирган ҳодисага айлансагина, мен уни, яъни кийимнинг борлигини, мавжудлигини ва бўлганлигини ҳис қиламан, — дейди олим.

Олим инсондан ўтказиб нимаям дердик?

Яна кийим ҳақида

Бир пайтлар Жиззах вилоятига хизмат сафари билан борган пайтимда Ширин исмли аёл болалигидаги эгни-боши билан боғлиқ шундай бир воқеани гапириб берган эди:

— У пайтлари ҳамма қишлоқларда мактаб йўқ. Тахминан саккиз километрча йўлдан эшакда қўшни қишлоқдаги мактабга қатнаб ўқиймиз. Мактаби борми, демак, қўшни қишлоқ бизникидан кўра бойроқ бўлса керак. Ҳар ҳолда, синфдошларим ҳам мендан кўра чиройлироқ кийинишарди. Битта атлас нусха кўйлагим, яшил духоба нимчам бўларди. Шуларни киярдим, устидан қавима чопон кийиб, катта жун рўмол ўрардим. Мактабга яқинлашганда эшагимни тутга боғлаб, хуржунга чопоним билан рўмолимни солиб, ўша кўйлак билан нимчада синфга кирардим. Қишнинг изғиринларида совуқ суякларимдан ўтиб кетса-да, тишимни тишимга қўйиб, чидардим. Ўшанда мен ёш бола ҳам ўз кучини бир нуқтага йиғса, бардошли, иродали бўлишига ишонганман...

Ширин опанинг кейинги ҳаёт йўллари ҳам осон кечмади. Гоҳ тақдир уни сийлаб осмонларга кўтарди, гоҳ ерга урди. Барига бардош берди. Яшашга, қувонишга куч топди. Эҳтимол, ўша жамалаксоч қизалоқ пайтидаги синфдошлари наздида тўкисроқ кўриниш орзусида уйғонган бардоши уни бутун умр суягандир. Агар кийим мана шу тарзда инсоннинг тобланиши билан рост келса, унда бундай кийимни уй тўрига илиб қўйса, кези келганда, кўзга суриб тавоф қилса арзийди.

Турли йиллар, турли даврларда қулоққа чалинган гаплар

Умринисо ая — нафақадаги муаллима: Тилимизда гапимиз бўлгани учунми, маҳалладошлар йиғилишларга, баъзан оилавий масалаларни ҳал қилишга ҳам чақириб туришади. Яқинда қайнона-келин орасида можаро чиққан бир хонадонга кирдик. Келини:

— Бу оилага тушганимга беш йил бўлди. Ҳалиям ишга сепимдаги кийимлар билан бораман. Ҳамкасбларимдан уяляпман. Тўйга бораман, янги кийим олиб беринг, — десам, қайнонам:

— Қайнукангизни уйлантиришимиз керак, ҳар сўм ҳисобда, — дейдилар. Қайнукамдан кейин узатиладиган қайнсинглим бор. Мен яна неча йил сепдаги кийимим билан юраман? — деб жанжал қўзибди...

Мен келинга:

— Қани, сепингиздаги кийимларни кўрсатинг, — дедим. Лоф эмас, кийими кўплигидан шкафлар ёрилай деб турибди.

— Ота-онаси роса сеп қилган, ҳайит, байрам, туғилган кунлар — бирортасида қуруқ қўйишмайди. Кийимга зор қолган жойи йўқ, — дейди қайнонаси. Келинчакнинг қатор-қатор асл либослар илинган лиқ тўла жавонига қараб ўзимнинг ўша ёшдаги пайтимни ўйладим. Биттагина ёзлик батис кўйлагим бўларди. Кўпинча кечқурун ювиб, эрталаб дазмоллаб кийиб олардим. Ҳеч қачон ўзимни бундайроқ эгни-бош учун камситилгандек ҳис қилмаганман. Борига шуқур қилиб кетаверганмиз...

Маҳкам ака — маҳалла фаоли: — Бир хонадонда тўртта ўғил ўсганмиз. Икки ака-ука тушгача, қолган икковимиз тушдан кейин ўқирдик. Эрталабки ўқийдиганларнинг мактабдан келишини орзиқиб кутардик. Чунки улар ечган пойабзални кийиб, мактабга кетардик. Ҳозир ҳам баъзи оилаларда: «Бир қатор кийим эскиргунча етти бола катта бўлади», деган гап бор. Бу бошқача айтганда, каттанинг кийимида кичик ҳам ўсиб-улғаяди, дегани...

Қулоққа чалинган гаплардан аёнки, қачонлардир одамлар кийиниши борасида ниҳоятда сабр-қаноатли бўлишган.

Тўқликка шўхликми?

Ҳозир кийиниш аёллар, айниқса, ёш қизлар, келинчаклар учун ҳаёт-мамот масаласига айланган.

Қариндош-уруғ, таниш-билишларда тўй бўлса, албатта, янги кийилади.

Баъзи аёллар гуруҳида ҳар ойда ўтказиладиган «Гап»га янги кийиб келиш расми бор.

Кейинги пайтда ўтаётган тўйларни кузатган бўлсангиз, келиннинг дугоналари, ўнта бўлса, ўнтаси никоҳ базми кунни бир хил либос кийишяпти. Бу етмагандек, қуёвнинг ўртоқлари ҳам бир хил кийинишяпти.

«Бунинг нимаси ёмон? Ахир, бир хил кийим чиройли кўрсатади, бу ҳам маданият», дерсиз... Кошки, бу тарздаги буюмпарастлик орқасидан можаролар чиқмаса?

Тўйлар фаслида бугун бир қиз узатилса, бир ҳафтадан кейин бошқаси узатилади-ку. Бу ҳафта ота-онасига:

— Дугонамнинг тўйи учун қизил кўйлак тиктириб беринг, — деган қиз:

— Энди зангор кўйлак кияман, — деб хархаша бошламайдими?

Ҳозир кўпчилик ота-оналар:

— Нима, сенинг кийинишингдан бошқа дардимиз йўқми? — деб боласининг истагини рад этиб қўя қолмаяпти.

— Ҳозирги ёшлар биз эмас, телевизорда ҳар балони кўради. Шу битта кўйлак деб уйдан чиқиб кетишдан ҳам тоймайди қиз бола боши билан. Бир кун ош емасак, шўрва ичармиз. Олиб берайлик айтганини, қулоғимиз тинсин! — дейишади. Ота-оналар-ку, рози бўлишаётган экан, биз нега буюмпарастлик, кийимпарастликдан бу қадар ташвишга тушяпмиз? Чунки жавон-жавон кийим тўплаш қизларимиз, келинларимизнинг фикр-хаёлларини буткул банд қилади. Ҳар бир урфдаги кийимни олгач, ўртоқлари, тенгдошлари орасида кўз-кўзласа, шундан роҳатланади. Бошқача айтганда, фақат шу нарсага боғланиб қолади. Ахир, бугунги қизлар, келинларимиз олдида қанчадан-қанча вазифалар бор. Улар ўзларини оилага тайёрлашлари, ундан ҳам муҳимроғи, жамиятда ўрнини топиши учун чоғланишлари керак. Тўғри, мусиқа, спорт, фан тўғаракларига қатнаётган қизлар ҳам талайгина. Лекин:

— Ҳаммасига пул керак, — деб ойлик даромадидан, кийимдан ортириб тўғаракларга пул беролмаётганлар ҳам

йўқ эмас. Эртага бировнинг уйига борганда саломатлигида нуқсонни бўлса ёки кийим билан андармон бўлиб, касбхунарсиз қолса, ўша қатор-қатор либослар унинг жонига ора қирмайди-ку!

Таниш гап, таниш манзара...

Ҳар бир хонадон соҳибаси икки-уч ойда бир марта уй кўтаради. Уйда ортиқча йиғилиб қолган кийимларни туғади — бир тугун, икки тугун...

— Кимлардир эски кийимларини пуллар экан, биз шуниям эплай олмаймиз. Бировга бериб юборай десанг, кўнглига малоллик келадими дейсан... — деб қўйишади.

... Кейин ахлат қутилари ёнида осилиб ётган кийимларга кўзингиз тушади...

«Буюмпарастликнинг охирги нуқтаси мана шу жойми?» деган савол ўтади кўнглимиздан...

Ўйлаб кўрганмисиз?

Кийган, кияётган либосларингизни пулга чаққанмисиз? Қўшиб, умумий ҳисобини чиқарганмисиз? Агар шу пулга эшигимнинг олдидаги ўнқир-чўнқир йўлни тўғирласам ёки анови яланг, ахлат тўпланиб ётган жойни тозалаб, гиёҳ эксам... деб ўйлаб кўрганмисиз? Ўйлаб кўринг-чи, балки, бу ўйлар кийим қувончидан кўпроқ шодлик келтирар...

БУЮМПАРАСТЛИК... ХОББИМИ?

- Сизнинг хоббингиз нима?
- Сувда сузиш...
- Отда сайр қилиш...
- Кашта тикиш...

Санъаткорлар ёки бошқа соҳанинг машҳур кишилари билан қайсидир бир журналистнинг суҳбатини ўқисангиз, аксарият ҳолларда шундай савол-жавобларга дуч келасиз. Кўриниб турганидай, хобби бу инсоннинг кўнгил эҳтиёжи билан боғлиқ қизиқиш. Инсон даромад келадиган, тирикчилиги учун зарур бўлган ишини бурч, ҳатто, баъзан мажбурият юзасидан қилади. Лекин «хобби» доирасидаги ишларга эса, албатта, юрак, кўнгил аралашади. Шу жиҳатдан қараганда «хобби»си учун муҳаббат қўшиқлари дискини тўплаётган ёки гул ўстираётган, аквариумда балиқ боқётган, қуш парвариш қилаётган, жаҳон адабиёти дурдоналарини йиғётган (яна кўпдан-кўп қалбни парвозга ундовчи, туйғуларни тозартирувчи, дилга хотиржамлик бахш этувчи машғулотлар эгалари бўлган кишиларга ҳавас билан қарасак арзийди.

Футбол, бошқа спорт турлари ишқибозлари, ҳатто, ранг-баранг тошчаларни, китоб ичига қуритилган гулларни йиғадиган ўсмирлар ҳам одамнинг завқини келтиради.

Лекин баъзи бир замондошларимизнинг ўзи қолиб, атрофидагиларга ҳам таъсир қилаётган «хобби»лари ҳақида фикрлашиб олмасак бўлмайдиганга ўхшайди, назаримда...

— Келинимга совчи бўлиб борганимизда «Биллур идишларнинг ишқибози. Бирорта янги кўринишдаги биллур буюмни сотувдами, кимнингдир уйдаги кўриб қолса, олмагунча тинчимайди», дейишган эди. Ростини айтсам, бу гап ўша пайт қулоғимнинг ёнидан ўтиб кетган экан. «Онаси ҳозирги замоннинг турли-туман идишларидан қила олмай, ўзининг бисотидаги биллур идишларни бермоқчи бўлса керак, пишиққина, гап биладиган аёл экан», — деган эди мен билан совчиликка борган қайсинглим. Бу гапга ҳам у қадар аҳамият бермабман. Мана, келин қилиб олганимизга тўртинчи йил кетяпти, иккинчисига ҳомиладор. Она бўлиб бола боқяпти ҳамки, бу биллурга «хобби»си қолмаяпти. Жавонига қаторлаштириб қўйган узун-қисқа биллур идишларига қараб:

— Мана, буни кўринг, жилваланишини қаранг, — дея завқланишини кўриб: «Шу келинимнинг эси жойидами, ахир, зарурдан-зарур ишлари турибди, деб хафа бўлиб кетаман. Турмушга чиқмасидан аввал шаҳару қишлоқларнинг тўрт томонидан биллур идиш йиғиб берадиган ўртоқлари ҳалиям қўнғироқ қилишини қўйишмайди».

«Ҳа», деганда:

— Гулнор, биллур шамдон чиқибди. Бармоқдай келади. Лекин шу қадар чиройли, мўъжазгина...

— Биллур кўзмунчоқ...

— Биллур тўғноғич...

Келиним ҳар бир биллур буюм ҳақидаги хабарни худди Арши аълодан келаётган ҳаёт ҳақидаги хабардай қарши олади. Гугурт чўпидайми ё тоғорадекми, ўша биллур идишни олиб, коллекциясига қўшмагунча, ҳаловат топмайди. Эриниям тинчитмайди...

Қайнона шу тарзда «хобби»си биллур бўлган келинининг қилган, қилаётган ишидан гоҳ ажабланиб, гоҳ хафа бўлиб гапирар экан, менинг хаёлимдан:

Шўйлар муборақ!

— Шу ростдан ҳам хоббимикин? — деган фикр ўтади. Рост, дунё тажрибасида турли қимматбаҳо, гоҳо оддий буюмларни ҳам коллекция қиладиган ишқибозлар учрайди. Лекин уларнинг аксариятида оила бурчи йўқ. Ё бу ташвишларни ўз ухдасига олган одамлари бор ёки оила ташвишидан холи кишилар булар.

Юқоридаги воқеада эса, келинчакнинг қилаётган иши соғлом фикрли кишининг ишига ўхшамайди.

Эр — норози:

— Соғ десам, соғ эмас, телба десам, телба. Бор, биллур идишларингни қучоқлаб ётавер, дей десам, фарзандимиз бор. Яна фарзанд кутяпмиз...

— Ахир, сен — онасан, аёлсан, бурчларинг бор, — десам мени қолоқдан олиб қолоққа солади, — дейди эри...

Бу аёл-ку биллурлар «хобби»си эканини билар экан, «уларнинг жавонда ярқираб туришидан чиройлироқ нарса йўқ», деб ўз ҳиссиётларини тушунар ва тушунтира олар экан, лекин атрофимизда шундай замондошларимиз борки, улар қилаётган ишларига изоҳ ҳам топиб бериша олмайди.

— Ҳамма шундай қияпти-ку, — дейди-қўяди...

Дейлик, ҳозир узатилаётган қизларнинг сепига идиш-товоқ қўйиладиган жавон қилиш урф бўлган. Олдин бу жавонга меҳмондорчилик учун қўлланиладиган идишлар териларди. Ҳозир эса, шунчаки туриши учун 24 хил турдаги идишлари бор жамланма қилишяпти.

Камида баҳоси миллиондан тортиб 3 миллионгача бўлган бу идишлар умуман ишлатилмайди. Ҳар замонда чанги артиб, суртилиб, яна жойига қўйиб қўйилади. Келинчак меҳмондорчиликда қўллаши учун баҳоси шунча бўлмаса-да, шунга яқинроқ бошқа идишлар жамланмасини олиб боради.

Ёки ота-оналар қизларига қиладиган кўрпа, кўрпачалар ҳақида ҳам шу фикрни айтиш мумкин.

8 тадан тортиб баъзи вилоятларда 16-20 тагача қилинаётган духоба кўрпа-кўрпачаларнинг кўпи тахда туриб эскиради. Қалин-қалин бу тўшамаларни ҳадеб олиб, қўйиб шамоллатишга келинчак бечораларнинг кучи ҳам етмайди. Шундай экан, баъзилари турган жойида тўзийди.

Бу буюмларнинг хоббига нима алоқаси бор, деяписизми? Ахир, шу йиллар давомида жавонда, сандиқлар устида ва ҳоказо жойлардан эгасига сарғайиб қараб турадиган бу буюмларга пул сарфлаган кишининг меҳри бор-ку. Оқараётган сочи, тушаётган тиши, хиралашиб бораётган қўзларига эътибор бермайди. Пулини «туф-туф»лаб тугади, йиғади, қизига сеп қилади.

— Вой, мана бу келинчакнинг сепини? Ота-онаси зап қилибди-да, бекаму кўст йиғинган экан! — деган гапни эшитса, яйраб кетади. Атрофда бу гап қулоғига кириб гоҳ ҳавасли, гоҳ кинояли боқаяётган нигоҳларга қараб керилиб, баланддан қараб қўяди. Мана шу дақиқалар унинг «хобби»си!

Овсин-ажинлари ичида:

— Ҳеч кимдан кам қилмадим! — дея гердайиши унинг хоббиси. Э, худойим, дегинг келади. «Хобби» ҳам шунақа илдизсиз фикр устига қуриладими?

Гап аввалида айтганимиздай, хобби инсоннинг маънавий дўсти бўлиши керак эмасми? Буюмпарастликдан келадиган бир лаҳзалик ҳузур оқибати ҳақида ҳеч ўйлаб кўрамизми? Йиллар давомида бу жонсиз буюмларни йиғиши учун ота-она меҳнат қилади. Меҳнат ҳақи оромгоҳларга, саёҳатларга йўлланма бўлаётган ёки инсоннинг оғирини енгил қилувчи бирор техника воситасига айланмай, жонсиз буюмга айлангани уларнинг умр қовурғасига юк бўлиб тушади, бу қовурғани майиштиради. Маънавий дунёга яқинлашиш ўрнига узоқлашади. Буюмларга, уларнинг завқига боғланиб яшаган юрак тобора кичрайиб бораверади, кўнгил кичрайиб бораверади.

— Мени қўшниларим одамовига чиқариб қўйишган. Чунки улар орасига кирсам, тез зерикаман, сиқилиб қоламан. Улар билан гапиришадиган гапим йўқ менинг, — дейди бир рассом дугонам. Унинг айтишича:

— Гилам олишим керак, ҳамма катта экранли телевизор оляпти. Биз қачон оламиз, деб эримнинг қулоқ-миясини еб ташлаяпман. Шундай қилмаса, битта буюм ўртага келармиди? — тарзидаги гаплар билан чекланиб яшадиган инсонлар табиат, жамиятдаги инсониятга дахлдор ўзгаришларни ҳис қилишмас экан. Бирор ҳудуддаги инсонларнинг озодлиги хавф остидами? Ёки бошқа бир ҳудудда ёнғин бўляптими — бепарво яшар экан. Буюмпарастлик уларнинг бутун вужудини чулғаб оларкан...

Рассом дугонамнинг бундай фикрларидан сўнг «хобби» фақат якка шахсларга тегишли шахсий ҳодиса эмаслигига, унинг ижтимоий аҳамият касб этишига яна бир қарра ишондим. Хўш, азиз замондош, сизда ҳам хобби борми? Унинг завқини тасвирай оласизми? Тасвираганда кўнглингиз, юрагингизни ҳис этасизми? Осмон, қуёш, майса, гуллар, қушлар каби табиат мўъжизалари, севги, соғинч, умид, ишонч каби ҳаёт мўъжизалари билан хоббингиз боғлиқ бўлса, мен сиз тарафман. Лекин... «Леकिनим»га бир қадар тушунтириш бердим, шекилли. Мақсадимни англагандирсиз... Ахир, мени энди эшитаётганингиз йўқ-ку...

«МИШ-МИШ»МИ Ё ҲАҚИҚАТ?

— Фалончи қўш келин туширар эмиш...

Бу гапни эшитишингиз билан тўй даврасининг тўрида жуфт-жуфт бўлиб ўтирган икки келин, икки куёв кўз олдингизга келиб, юрагингиз ҳаққиради. Бир жуфт келин-куёвнинг ўзи одамни ҳаяжонга солади, шу бир жуфт табассуми, бахти билан дунё чиройга, гўзалликка тўлиб кетганга ўхшайди. Икки жуфт бўлса-чи?

Ана шундай тошқин таассуротларингни кимнингдир ҳадикли шивирини бузади:

— Бекор қилишяпти-да шу ишни. Ахир, қадимгилар: «Қўш келин туширсанг, битгаси бахтсиз бўлади», дейишади-ку... Юрагинг «шув» этади... Чиндан бу гапда жон бормикан?

Афсусларим ичимга сиғмайди

Ҳалима опа — Хоразм вилояти.

Ўғилларимнинг ораси бир ёш эди, эгизакдек ўсишди. Касб-ҳунар коллежини тугатиб, иш бошлашгач, уйлантириш тараддудига тушдим. Ака-укаларим билан маслаҳат қилиб кўрсам:

— Тўй харажатларидан озми-кўпми иқтисод қиласиз, қўш келин тушираверинг, — дейишди. Совчилик борди-келдиларини бошлаб юборганимда уруғимиздаги кексалар:

— Ҳеч бўлмаса бир кун танаффус билан тўй қил, қўш келин қилиш — хосиятсиз, — дейишди.

— Нимагалигини айтинг, исботлаб берсаларинг, ишонтирсаларинг, айтганларингни қиламан, — дедим. Улар жўяли изоҳ бериша олмагач, тўйни бошлайвердик. Тўй кўнгилдагидек ўтди. «Гап экан-да», деб юргандим. Ҳали чилласи чиқмаган келин-куёв мотоциклда сайрга чиқиб кетиб, авария қилишди. Натижада ўғлим оқсоқ бўлиб қолди. Келиним бир буйрагидан ажралди.

— Фарзанд кўриши ҳам мумкин-ку, лекин бу таваккалнинг иши. Жонини, тақдирини таваккалга тикмай, бола асраб олгани маъқул, — дейишди шифокорлар.

— Укангнинг кўнгли ярим, сизлар соғ-омонсизлар, дея каттамнинг тўнғич фарзандини кичигимга олиб бердим. Каттам яна фарзанд кўрди. Ҳамма нарса изига тушиб кетди, деб ўйлагандим. Кичикинам ҳам боласи билан овуниб, ўзи билан ўзи бўлиб қолган эди. Лекин бизни олдимизда мусибат кутиб турган экан, ёзда дам олишга кетишган эди, неварам сувга чўкиб, нобуд бўлди. Шунинг орқасидан икки ака-ука юз кўрмас бўлиб кетди. Икки орада менга қийин. Ўзимизнинг тақдиримизга қараб;

— Қўш келин олишнинг хосияти йўқ, деган гапга нописанд қараганимга афсусланаман.

«Афсус»да моддий ё руҳий асос борми?

Бу савол билан бир неча касб эгаларига мурожаат қилдик.

Сабина Нурова — психолог:

Мен ўқиганларим, унча кўп бўлмаган амалий тажрибамга суяниб айтаманки, қўш келин туширишнинг ҳам, қўш келин бўлишининг ҳам ҳеч қандай хатари йўқ. Кимнингдир ҳаётида мусибат юз берган бўлса, бу шунчаки тасодиф. Шундай деб ўйлаган ва шу ўйга ишонган яхши. Лекин агар бу ҳолатга чуқурроқ кирсак, инсонлар барибир авлиё эмас, оддий бандалар. Тўйда икки тараф — қудаларнинг кўнглида бир-бирига нисбатан:

«Бу келиннинг мана бу нарсаси меникидан яхшироқ экан. Ўзи мenden чиройлироқми?» тарзидаги хусуматли қарашлар

уйғонади. Худди ана шу туйғулар орқасидан хонадонга салбий қувват оралайди.

Ёки бўлмаса, қўни-қўшнилarda, тўйга ташриф буюрган меҳмонларда ҳам:

«Кичкинаси ёқимтой экан, каттасининг ота-онасининг диди сал мундайроқ экан, олган буюмларини қара», тарзидаги шивир-шивирлар бошланиб кетса, сўздаги салбий қувват кимгадир хасталик берганидек, кимнингдир кўнглига ваҳима бўлиб ёпишиши мумкин. Агар қўш келинли тўйни ҳамма хурсандчилик билан қаршиласа, бирданига бир эмас, иккита бахтли оила пайдо бўлса, бунинг нимаси ёмон?

Зебо Омонова — маҳалла маслаҳатчиси:

Баъзи оилаларга қўш келин олишни ўзим маслаҳат берман. Ҳар ҳолда, озми-кўпми харажат ихчамлашади. Ота-оналарига ёрдам бўлади. Яна оилада «дедовшина»лик бўлмайди. Иккала овсин ҳам бир пайтда тушгани учун бири иккинчисининг устидан ҳукмронлик қилмайди. Болаларининг ҳам ёши тенгдош бўлади, бири иккинчисини осон тушунади, қалбан яқин бўлишади.

Саодат Ибодова — қўшкелиннинг бири:

Менга ҳам тўйимиздан аввал: «Қўшкелин бўлиб тушаётган экансан, куёвга: «Алоҳида тўй қилайлик», деб туриб ол, бўлмаса, бахтсиз бўласан, дейишган. Мен қандай қилиб бировлар тайёрлаган тўйга ҳокимлик қиламан? Уни бузаман? Аввал бироз ваҳима қилдим. Сўнг ўзимни ўзим: «Ҳеч нарса бўлмайди» деб ишонтирдим. Жуда ишонтирдим. Натижада ҳеч нарса бўлмади.

Ҳамма қатори оила бўлиб яшаб кетдик.

Бунисига нима дейсиз?

Шаҳнозанинг ҳикояси

Биз турмуш ўртоғим билан бир-биримизга кўнгли қўйдик. Лекин қайнонамнинг кўз остига олиб қўйгани бор экан, мени

Шўйлар муборақ!

келин қилишни сира хоҳламади. Лекин ўғли ўз фикрида қатъий туриб олгач, ноиложликдан совчиликка келди.

— Мен сизлар учун махсус тўй қилмайман. Айтганимга уйланган ўғлимга бор-будимни сарфлаб тўй қилиб бераман, сизларникини эса, шунга қўшимча қиламан, — деб очиқ айтди. Назаримда, бизни шундан ҳақоратланади, ё ажралиб кетади, деб ўйлади. Лекин биз икковимиз бир-биримизга:

— Биз ҳеч нарсадан азобланмаймиз, ҳамма нарсага чидаймиз. Ўзимизнинг муҳаббатимиз чин эканини исбот қиламиз, — деб ваъда бердик. Қайнонам менинг исталмаган келин эканлигимни ҳар лаҳзада эслатиб турардилар. Ҳатто, сизларни барибир ажратиб юбораман, деб фарзанд кўришга ям рухсат бермади. Очиқдан-очиқ камситилардим. Бир бурчакка тиқилиб, кўз ёшларимни ичга оқизиб йиғлаган пайтларим кўп бўлди. Эрим:

— Қийналиб кетдинг, менинг ўз онам, менга билинмайди, сени олиб кетаман, деди... Кўнмадим. «Агар чиқиб кетсак, қайтиб келишимиз қийин бўлади. Барибир ота-онадан кечиб бўлмайди», дедим.

Шундай қилиб, яна сабр-тоқат билан яшашда давом этдик. Она тарафимдагилар:

— Ҳамма гап қўш келинлик-да, сенга айтдим: «Қўш келин бўлма», деб... — дея таъналар қилишди.

Лекин мен ўзим гап қўш келинликда эмаслигини билардим. Қайнонам узоқ вақт тахтдан тушмади. Бизнинг уйимиз катта ҳовлининг бир чеккасида эди. Бизга эски омборхонани таъмирлаб беришган эди. Аслида бу ҳам камситилишнинг бир тури бўлса-да, чидардик. Кунларнинг бирида электрнинг қисқа туташувидан ўт чиқиб уйимиз ёниб кетган.

Биз эрим билан кинога кетган эдик. Қайнонам кинога борганимизга ҳам ғаши келганларидан баъзан-баъзан қочиб кетардик. Уй ловуллаб кетганда, қайнонам бизни ўтда қолди, деб ўйлаб, ўзини уриб йиғлаган экан. Биз кинони тугатиб,

бемалол келсак, уйда қиёмат бўлиб ётибди. Қайнонам бизни кўриб қотиб қолди. Кейин додлаб ёпишди.

Худога шукур, тирик экансизлар, худога шукур. Энди... энди сизларга бир нарса десам, тилим узилсин, — деди... Шушу ҳеч нарса бўлмагандек яшаб кетдик. Фарзандли ҳам, уйли ҳам бўлдик. Агар қўш келинликда бир хатар бўладиган бўлса, биз бу хатарни меҳр-муҳаббат билан енгдик...

Бир фикр атрофида...

Ҳа, бир фикр атрофида қирқ хил фикр айланиши мумкин. Балки, қўш келинлик борасида юқорида айтилганлардан ҳам бошқачароқ қараш бордир?

ЧАҚАЛОҚҚА КЕЛИН ЛИБОС...

Бу намоёишкорликми? Нодонликми ё эрмаксеварликми?

Албатта, янгигина дунёга келган чақалоқ атрофида бундай саволларнинг айланиб юриши у қадар ёқимли ҳодиса эмас. Чунки жондан жон бунёд бўлишининг ўзи ҳодисалар ичра ажойиб ҳодисалардир. Мунчоқ кўзчаларини ярқиратиб, она кўксига тамшаниб талпинаётган гўдакни кўз олдингизга келтирсангизоқ, бутун вужудингиз яйраб кетади. Жисму жонингизни мустаҳкам бир хилқатга айлантириб, уни бу дунёнинг оғир-енгилларидан ҳимоя қилгингиз, асрагингиз келади...

Кошки эди, унинг атрофида фақат шундай истак-хоҳишлар айланса...

Гўдак иккинчи даражага айланди

Ёши улуғлар бежизга:

— Икки жонни саломат асрасин! — деб дуо қилмайдилар. Янги туғилган чақалоқ она қорнидаги ҳаётга ўрганган бўлади. Ахир, она қорни унинг 9 ой яшаган илк ватани-ку. Чақалоқ ёруғ дунёга чиққач, бошқача шароитга мослашиши керак. Она вужудида эса, тикланиш, ўзига қайтиш даври бошланади. У хотиржам ухлаши, яхши дам олиши, кўксига сут келиши, болага асосий озуқани тайёрлашга ҳозирланиши керак. Лекин юртимизнинг айрим жойларида (марказий шаҳарларида

десак, балки, ҳақиқатга яқинроқ бўлар) она ва бола иккинчи даражага ўтади. Орзу-ҳавас ташвишлари асосий масала бўлиб қолади. Янги бўшанган, жисму жони ҳилвиллаб ётган аёлнинг қўлида телефон:

— Ойи, чиққан кунимоқ қовурдоқ олиб келар экансиз. Қайнона ойим икки карра овора бўлиб юрмайман, дедилар. Ўнта хотин олиб келаркансиз...

— Ўнта кутди нима-ю, йигирмата кутди нима?! Бораман, деганлар кўп...

— Ойи, қудангизнинг айтганини қилинг. Қовурдоқни шалпайтириб ўзингиз қилманг, устасига буюринг, қайнонам кўпнинг ичида уялмасин... Айтмоқчи, сартарошни гапиришиб кетдингизми? Кўйлагим нима бўлди? Бу тарздаги диалогларни истаганча давом эттириш мумкин. Келинчакнинг онаси, опаси, синглиси эрта-ю кеч ҳарсиллаб бозорда. Қизига сарпо, куёвига сарпо, уруф-аймоғига, айниқса, чақалоққа...

Биз юқорида туғилишни бу дунёнинг энг чиройли ходисаси, дедик. Албатта, унга кийимчалар, яна ўзига керакли нималардир қилиш керак. Бу — табиий. Лекин унга аталган ҳар бир нарса ўзидай чиройли, туғилишнинг ўзидай мазмунли бўлиши керак. Қовурдоқ, сарполар масаласида икки тараф орасида келишмовчиликлар чиқса, худо урди, деяверинг. Унда гўдак билан она иккинчи эмас, учинчи даражага ўтиб кетади. Буюмлар, нарсалар, одатлар биринчи ўринга чиқади...

Албатта, кимдир:

— Расми-русуми-да энди... — дейишлари мумкин?

Бу расм-русумларни ким ўйлаб чиқарган? Айниқса, ҳозирги, айнан бугунги мавжуд расм-русумларни...

Маша, медведнинг бизга қандай алоқаси бор?

Туғуруқхонадаги ҳангомаларнинг энг каттаси она ва боланинг кийиниши билан боғлиқ. Чиллани онани ўраб-чирмаб гўдаги билан иссиққина уйга олиб келиш ўрнига уни сўнги

Шўйлар муборақ!

урфда кийинтирадилар... Калта кўйлак, капрон пайпоқ, баланд пошналар туфли... Сочларини ювиб, сартарош турмаклайди... Пардозчи пардозлайди... Ҳали бутун дунёни онасининг кўкси деб биладиган гўдакчага эса, қиз бўлса, келин, ўғил бўлса, куёв либосчасини кийдирадилар... Яхши ният дейишингиз мумкин... Ахир, бу либосчалар, деярли сунъий матолардан тикилади. Тагин аксарият ота-оналар уларни ижарага олишади...

Бармоғингнинг учи тегса ҳам қизарадиган гўдак териси учун бу либослар оғирлик қилмасмикин?

Тагин туғуруқхона олдида видеога тушиш «операция»сида гўдак йиғласа, безовта бўлса, унга:

— Ҳаммаси сен учун-ку, жим бўлмайсанми? — дея танбеҳ берамиз. Туғуруқхонага ота бўлмишнинг қаторлатиб машиналар олиб бориши, ясан-тусан хотин-халаж, бола-бақранинг туғуруқхона эшигида ўралашиб, гурас-гурас юриши тиббий маданият қолипларига тўғри келармикан?

Айниқса, машҳур сериал қаҳрамонлари — ҳамманинг жонига тегишни яхши кўрадиган серхархаша Маша билан Медвед тимсолидаги кимсаларнинг бу атрофда ўралашиб юришида, жиш гўдак, чиллалари она билан расмга, видеотасвирга тушишида қандай мазмун бор? Ахир, ҳар бир ҳодисани кўриб, кузатиб:

— Ҳўш, шунга нима бўлибди? — дея савол берилса, жўяли жавоб бўлиши керак эмасми?

Билиб-билмай, ўйлаб-ўйламай қилинаётган намоишкорликнинг ўзлари учун номақбуллиги бир ёну туғуруқхонада дард чекиб ётган аёллар, ҳар шарпа жонига малол келаётган ҳомиладорлар учун ҳам у қадар ёқимли ҳодиса деб бўлармикан? Ахир, кўз ёриганлар орасида (худо асрасин-ку) фарзанди нуқсон билан дунёга келганлар ёки аёлнинг ўзида туғруқ асоратлари бўлиши мумкин. Ҳатто, сақланиш бўлимида ётганлар учун ҳам туғуруқхона атрофидаги «чақалоқ куза-

тиш» маросимини жуда ҳам кўнгилли манзара деб бўлмайди. Бошқоронғилар, бундай дабдабага кучи етмайдиган оила фарзандлари...

— Мен бундай қила олмайман! — деган ўкинч.

— Сиз шундай қила олмайсиз! — деган таъна...

Буларнинг ҳаммаси туғилиш деган чиройли ҳодисага ярашармикан? Энг ёмони, аксариятимиз ярашмаслигини биламиз, ҳатто, гапирамиз. Лекин қилаверамиз.

— Ҳа, энди бошқалар нима бўлса, шу-да... Элдан қолсак... — деймиз...

Балки, айнан шундай калтабинлигимиз учун ҳам чиллали чақалоқларнинг кўпи туғуруқхонадан чиққач, икки-уч ҳафта ўтар-ўтмас, болалар касалхоналарига тушиб қолишаётгандир. Ахир, шифохоналар, ҳатто, жонлантириш бўлимларида икки-уч ҳафталик чақалоқларнинг муолажа олаётганига гувоҳ бўлганмиз-ку.

Давоми уйда...

Туғуруқхонадаги машмаша (бошқа нима деб аташни билмадим) лардан чарчаган она-бола уйга келгандан кейин унинг кейинги сериялари уйда давом этади.

Қайнона сочқи сочиб, иссиққина уйига киритиб юбора қолмайди. Аввал қовурдоққа (тўнғич фарзанд бўлса, бешик тўйга) келган амма-холалар билан кўришиши «операция»си анча давом этади.

Чиллали келинчакнинг, «келин», «куёв» бўлиб норозилигини фақат йиғи билан «изҳор» қилаётган бўғриққан чақалоқнинг юзидан чўлп-чўлп ўпишлар, видеога тушиш, яъни тарихга муҳрланиши учун узундан-узоқ дуолар.... Агар хотамтой она бир гуруҳ созандаси билан хонанда олиб келган бўлсами, ҳамма қатори белини ҳам боғламаган (боғласа, сўнги урфдаги кўйлагига сиғмайди-да) келинчакни «қистир-қистир» учун ўйинга ҳам туширадilar.

Ётоғига бир амаллаб кириб олгач ҳам, видеочи йигит онага:

— Болани бундай қўйинг, бундай ётқизинг, ўзингиз бундай ушланг, — дея буйруқлар бериб роса тасвирга олади...

Албатта, буларнинг ҳаммасини тобора баландлаб бораётган орзу-ҳавасимиз билан боғлашимиз мумкин. Топаяпмиз, қиялпмиз тарзида изоҳлашимиз мумкин...

Лекин момоларимиз нима учун қирқ кунгача янги енгил бўлган аёлнинг уйига бегонани киритмаганлар? Гўдакни ҳам шу уйда берк тутганлар. Ҳар икки-уч соатда исириқ тутатганлар. Қовурдоқ пиширишни лозим кўрса, келинчакнинг ўзига пишириб, едирганлар... Тумонат одамни бошига йиғиб, бор-йўғини уларга едириб-ичирмай, ёш онанинг оғзига сарасини тутганлар...

Улар бу ихота, бу асрашни нима учун зарурият, шарт деб билганлар? Қўй сўйиб, қирқ кунгача кимдир она-боланинг хизматида бўлган...

Бунда саломатликни мустаҳкамлаш, яхши-ёмон назарлардан сақлаш деган маъно бор.

Юқорида айтилганлар эса, ана шу маъно, моҳиятдан анча йироқдаги машмашалардир.

Лекин ҳозир ҳам вилоятларимизда жон қадри, ҳаёт қадри билан боғлиқ қадриятлар сақланиб қолган. Яна шуни ҳам назардан соқит қилмаслик керакки, маъносиз нарсалар юқумли бўлади. Шаҳарлардаги бу машмашалар аста-секинлик билан чекка-чеккаларга ҳам ёйилмайди, деб ҳеч ким кафолат бера олмайди.

Аслида булар тўхтатиб, тўғрилаб бўлмайдиган нарсалар эмас. Дўппини олиб қўйиб, ақл билан ўйланиб, бир хулосага келинса, ҳаммасини меъёрга солиш, туғилишни ташвишга, югур-югурларга, араз-гинага эмас, чинакам чиройли ҳодисага айлантириш мумкин.

ТУГУРУҚХОНАДАН БОШЛАНГАН ОРЗУ ҚАЕРГАЧА БОРАДИ?

Янги меҳмон дунёга келиб, чақалоқларни туғуруқхонадан чиқаришаётганда бу ажойиб ҳодисани кузатганмисиз? Туғуруқхона дарвозаси олдига «Лимузин», «Мерс», «Эпика», «Малибу» ва ҳоказо қимматбаҳо машиналар қаторлашади. Машҳур мультфилм қаҳрамонлари Медведи Машалар ҳам шу ерда (Гап кўпроқ марказий шаҳарлардаги манзаралар ҳақида кетяпти). Чақалоқни олиб чиқишга келганлар қўлларида катта-катта қутиларни кўтариб у ёқ-бу ёққа чопиб юришади. Сабр-бардош, ундан ҳам кўпроқ ҳайрат билан кузатсангиз, ясанган ота-она ва энг қизиғи, келинлик, куёвлик либосидаги чақалоқларни олиб чиқишади. Агар шу атрофда ёши каттароқ аёллар юрган бўлса:

— Ҳой, болам, чиллаликсан, бошингга бир нарса ташла!

Ё:

— Чақалоқни маҳкам ўра-ей, оёқ-қўлини шилвиратмай, — деб қўйишади.

Лекин бундай гапларга тантанали руҳга кириб олган ота-она(папаша, мамаша) лар парво қилишмайди.

Ҳали йўргакда «инга»лаб ётган «келин», «куёвча»ларнинг юзини очиб, видео тасвирга тушириш билан овора бўлишади.

Мен нимага туғуруқхона манзарасини бу қадар батафсил чизяпман? Чунки биз бугун мулоҳаза юритмоқчи бўлган

мавзу дебوحаси айнан шу манзарадан бошланади. Худди шу манзараларда «Янги дунёга келган меҳмон улғайиб, унга келинлик, куёвлик либослари насиб этсин», деган дуо ётибди. Бу дуо, албатта, яхши. Тилак яхши, истак яхши. Лекин бизнинг тилак-истакларимиз, тарбиямиз мақсади фақат шу истакка қаратилса-чи? Шу орзу-ҳавас билан чекланиб қолса-чи?

Аслида сўроқ белгисини янглиш қўйдим. Аксарият отоналаримизнинг тарбияси болаларини келинлик, куёвликка тайёрлаш, тайёрлаганда ҳам моддий жиҳатдан тайёрлаш бўлиб қолди. «Тайёрлаш»ни, Тайёрланиш деб ўзгартирсак, балки, янаям тўғрироқ бўлар...

Бўйлари атиргул бўйндай...

Яқинда бир тўй иштирокчиси бўлдик. Бошловчи тантанали равишда, ресторанга келин-куёвнинг кириб келаётганлигини эълон қилди.

Ҳамма ўрнидан туриб, қарсак билан уларни кутиб олишга ҳозирланди. Бир маҳал бўйлари атиргул бўйларидай келадиган жажжи «келин», «куёвча»лар кириб келишди.

— Ҳайрон бўлгандирсиз? Биз ҳақиқий келин-куёвга мана шулардай ширин фарзандлар тилаймиз! — деди ўртакаш... Бу энди ўша туғуруқхонадаги манзаранинг давоми... Яна ўша гўзал истак: келинлик ва куёвлик...

Тўғри, оила қуриш, фарзандлар кўриш ҳаётнинг асосий мазмунини, ҳаёт ўзагини ташкил этади. Лекин яна ўша муаммо: биз фарзанд тарбияси, ёшлар тарбияси учун асосий мезон қилиб фақат келинлик ва куёвликни олишимиз керакми?

Сиз: «Жамият тарбияси, боғча, мактаб, ундан юқори ўқув масканлари тарбияси ижтимоий мақсадларга қаратилган-ку», дея эътироз билдиришингиз мумкин. Тўғри, лекин ўғил-қизларимиз асосий тарбияни оилада олишади. Уларга бобо-буви, ота-она, амма-холаларнинг гаплари ишончлироқ, асослироқ, ота-оналар, бобо, бувилар эса...

Кўпроқ қулоққа чалинган гаплар...

— Қизимнинг тиллоларини тахт қилиб қўйдим. Кўрпачалари ҳам тайёр. Мебели билан пардаси қолди. Энди булар борадиган уйининг ўлчами, деворининг рангига қараб бўладиган гаплар...

— Идишини ҳозирдан олманг, эгачи. Мода йил сайин ўзгаряпти. Ўн беш ёшида идишлар жамланмасини олиб қўйиб, куйиб қолдим. Ярим баҳосига зўрға сотдим...

— Ойи, мени участкага берманг, ярим гектар ерини сургунча адои тамом бўламан...

— Менга ҳеч нарса олиб бермасангиз ҳам, сепимга кир машина қўшинг...

Бундай диалоглар оилаларда асосий суҳбат мавзусига айланган. Муштдай чақалоқлигида, бўйи атиргулдай келадиган пайтда эгнига оқ либос кийдириб қўйгач, қизларимизнинг ўн беш, ўн олти ёшдан хаёли бузилмайдими? Асосий фикру зикри эрга тегиш, эр уйи учун мол-дунё тўплаш билан банд бўлмайдими?

Аслида бу жумлаларимиздаги сўроқ белгисининг ўзи ортиқча. Чунки аксарият ёшларимиз фикратида балоғатга етиб ҳам ота-оналари, бобо-бувилари ва қолган яқин қариндошларидан эшитган суҳбатлар давом этади.

— Дугонам данғиллама участкага тушибди. Эрининг «Эпика»си бор экан, мазза қилиб бойвучча хоним бўлиб юрибди...

— Бўш дарс бўлиб қолган эди, қизлар билан дўкон айландик. Зўр занжирлар келибди-да. Э, худо осмондан бир ҳовуч пул ташласа-ю... ҳаммасини сотиб олсанг...

Бу суҳбатларнинг нимаси ёмон, ахир, одамни орзу-ҳавас илгари етаклайди-ку. Лекин кўзимизни каттароқ очиб, атрофимизни, дунёда кечаётган воқеа-ҳодисаларни кузатайлик.

Қайсидир ҳудудларда уруш, қирғинбарот уруш кетяпти.

Қайсидир минтақалар ўзларининг мафқураси билан ёшлар онгини заҳарлаш учун, кимдир уларни «оммавий маданият»нинг онгсиз ошуфтасига айлантириш, яна кимдир эса, ақидапарастларга қўшиш учун уруниб ётибди. Ҳар бири ўз сафини кенгайтиришни, кўп бўлиб ҳукмронликни қўлга олишни истайди. Бундай мураккаб бир даврда, биз ҳар қанча тинч яшамайлик, фаровонликда умргузаронлик қилаётган бўлмайлик, ёшларимиз қалбида, руҳиятида ташқи таҳдидларга қарши кучли иммунитет ҳосил қилиш керак. Бу иммунитет қандай ҳосил қилинади?

Албатта, маиший ҳаётдан бироз баланд кўтарилганда. Ҳар бир ёшнинг қалбида: «Уйим, отам, онам билан биргаликда ватандошларим ҳам меники, уларнинг яхши-ёмони учун жавобгарман», деган туйғу уйғонганда. «Уйим билан бирга, киндик қоним тўкилган тупроқ, мен яшаётган замин, яъни Ватан — меники. Унинг ободлиги, озодлиги, тинчлик, фаровонлиги учун жавобгарман, масъулман», деган туйғу уйғонганда, бу туйғу мустаҳкамланганда.

— Нега ҳадеб «қизлар, қизлар», деяверасиз, ахир, бу туйғулар қизлардан кўра ҳам йигитлар қалбида кучлироқ, устуворроқ бўлиши керак эмасми?

Эҳтимол, дилингиздан шу фикр, шу савол ўтгандир...

Йигитлар «пул» дейди...

Олдига жуда катта мақсадлар қўйиб, ўша мақсадларга шиддат билан интилаётган йигитлар — азиз ўғилларим мени маъзур тутишсин. Менинг йигитлар ҳақида куюниб айтаётган гапларим уларга тегишли эмас. Қолаверса, гап эгасини топади.

— Қозоғистонга бориб, бир бойваччанинг қурилишида ишлаб келган эдим. Топганимни уйга ташлаб, янаги ой Россияга кетяпман. Ўзи у ёқларда ҳам пул топиш қийин бўлиб қолди...

20 ёшлардаги қорайиб, озиб кетган йигитча билан тасо-дифий суҳбатдош бўлиб қоламан.

— Нима, ўзимизда иш йўқми? Ана, тенгдошларингиз ер экиб, фермерлик қилиб миллион-миллион даромад қилиб ётишибди-ку...

— Э, ер — таваккалнинг иши. Баҳори, ёзи, кузини бермай қолса, ҳамма меҳнатинг сувга оқади. Мен иморат қилишим, кейинги ёзда уйланишим керак. Шунгача, албатта, тўйга етарли пул тўплашим шарт.

... 20 ёшгача шу юртда яшаб, истиқлол билан деярли тенг улғайган бу йигит билан бўлган суҳбат якка ҳодиса эмас. Шу ёшдаги ёш-яланглари орқаваротдан кузатиб, уларнинг гап-сўзларига қулоқ тутиб ҳам сезасиз: суҳбат даражаси кўпинча: «Пул топиш, иморат қилиш, тўй ўтказиш» даражасидан тепага кўтарилмайди.

Мен эса, Фарғона чўлларига сув чиқсин, эл дастурхони тўкин бўлсин деб, 45 кунда Фарғона каналини қазиган, елкасида тупроқ тўла қопларни орқалаб, чуқурдан тепага ўрлаган паҳлавон йигитлар авлодини кўргим келади. Мирзачўлнинг шамолларига юзма-юз ер ўзлаштирган, иссиқ уйларидан кечиб, эл корига этик ечган йигитларнинг издошларини кўрсам, дейман. Бугун алп йигитларни кутаётган зарур юмушлар йўқми Ватанда? Албатта, бор. Йўллар, кўприклар қуриляпти, уйлар... Ўзимиз етиштирган маҳсулотларни ўзимиз ишлаб чиқаришимиз, яъни ўз хом ашёмиздан сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш зарурияти туғиляпти. Ҳар бир янги кун инсонлардан янгилик, кашфиёт кутмоқда. Бунинг учун йигитларимизнинг мақсади иморат қуриш, тўй қилиш, уйланишдан (албатта, булар ҳам керак) баландроққа кўтарилиши керак эмасми?

Ёзганларимни ўқишгач, бир нечта, ҳатто, битта йигит-қиз «менинг оиламдаги бурчимдан ташқари эл-юрт, ватан олдида ҳам бурчим бор экан», деган фикрга келса, демак, мен бежизга куюнмабман...

МУНДАРИЖА

Сўз боши	3
Янгиликлар нимани янгилаяпти? Ярамизними?	5
Тўйлар муборак!	10
Совчиликка кимникига боряпсиз?	17
Дижжейлар тўйхоналарни забт эта оладими?	22
Эскирган қўшиқ	28
Айём айёмдек бўлсин!	32
Қиёфа — қалб кўзгуси	37
Тўй «тўй!» дегани эмас ёки узатилаётган қиз билан баҳс	42
Қачон турмуш қурай?	47
Нечта кўйлагингиз бор?	53
Буюмпарастлик... хоббими?	59
«Миш-миш»ми ё ҳақиқат?	64
Чақалоққа келин либос... ..	69
Туғуруқхонадан бошланган орзу қаергача боради?	74

ТЎЙЛАР МУБОРАК

Мухаррирлар: А. Омонов,
Г. Ортиқхўжаева
Техник муҳаррир: А. Аҳмедов
Саҳифаловчи: Ш. Расулов

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги
«Адолат» нашриёти. Нашр. лиц. АІ № 228, 16.11.2012.
100192, Тошкент шаҳри, Буюк ипак йўли кўчаси, 69-уй.
Телефонлар: 0(371) 268-28-56, 268-28-57.
Факслар: 0(371) 268-28-43, 268-28-41.
Веб сайт: www.adolatnashr.uz
e-mail: info@adolatnashr.uz

Босишга рухсат этилди 20.12.2017 й.
Қоғоз бичими 84x108 ¹/₃₂, «Academy» гарнитураси.
Офсет усулида чоп этилди. Босма табағи 2,5.
Нашриёт ҳисоб табағи 2,0. Адади 1000 нусха.
-буюртма. Нархи шартнома асосида.

**«Print Line Group» хусусий корхонаси
босмахонасида чоп этилди.
Тошкент ш., Бунёдкор шоҳ кўчаси, 44-уй.**